



МАРРИФАТ • ХАЛК ЗИЁЛПИЛАРЫ ГАЗЕТАСЫ

Ma'rifat

Kuch – bilim va tafakkurda

1931 йилдан чиңа бошлаган

2001 йил 10 март, шанба

Баҳоси сотувда эркін нархда

№ 19 (7318)

АЁЛ ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

8 марта — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан пойтахтимиздаги муҳташам "Туркестон" саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Шу куни ушбу даргоҳда Ўзбекистон аёлларининг қувончу шодликлари, орзу-умидлари, меҳрга йўғрилган туйгулари мужассам бўлди. Барча вилоятларда ўзига хос тарзда нишонланаётган байрам шукухи бу ерга ташриф буюрган мамлакатимизнинг фаол хотин-қизлари, фахрий онахонлар, меҳмонлар юзида акс этганди. Юртбошимизнинг баҳор айёми муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига йўлланган байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирганда, аёлларимиз ҳамиша ардоқда эканликларини яна бир бор ҳис этдилар.

Тантаналар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни кўллаб-кувватлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ аъло хулқи, зукколиги, ташаббускорлиги билан ноёб истеъодини намоён этаётган ҳамда адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳасида сезиларли ютуқларга эришаётган бир гурӯҳ иқтисорлари кизларга ана шу мукофот тантанали топширилди.

Тадбирда тақдирланган Зулфия қизлари номидан сўзга чиққанлар талаба ва ўкувчи-қизларнинг илм олиши, ўз иқтидорларини тўла намоён этиши учун барча шароитлар яратиб берилаётгани учун Президентимизга самимий миннатдорлик изхор этдилар.

Тантаналар эл севган санъаткорлар ижросидаги байрам концерти билан ниҳоясига етди.

Ф.КАРИМОВ



ҚЎЧМА ЙИҒИЛИШНИНГ САМАРАСИ КЎП


Бугунги кунда барчамиз мамлакатимизда таълим тизимины ислоҳ қилиш, унинг мазмунини тақомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар қилинаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Ушбу ўкув йилини ниҳоясида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичи якунланади. Шу боис, ўтган кисқагина давр ичидаги юртимизда амалга оширилган ишларга назар солишимиз, ислоҳотлар жараёнини таҳлил қилишимиз, бу борада ютуқларимизни саралашимиз ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаб олишимиз даркор.

Жорий йил 1-3 марта кунлари Наманган вилоятида ўтказилган Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими Маркази Бошқарув Кенгашининг навбатдаги йиғилиши ҳам ана шу маса-

Boshqaruv kengashida

лалар доирасида бўлиб ўтди. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ЎМҚХТ Маркази раҳбари Жуманазар Ҳусанов йиғилиши очар экан, бугунги кунда мамлакат таълим тизимида муҳим ўрин олаётган, тамомон янгича шаклланадиган ЎМҚХТ тизимида кечётган ислоҳотлар жараённи тўғрисида сўз юритди. Марказ раҳбари йиғилганлар эътиборини Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз" деб номланган маъруzasидан келиб чиқадиган вазифаларга қаратди. Айниқса, қишлоқ хўялиги йўналишида фаолият кўрсатадиган касб-хунар коллажларидаги таълим сифати ва ишлаб чиқариш мазмунини тақомиллаштириш масаласига алоҳида тўхтади.

(Бу хусусдаги мақолани 5-саҳифада ўқишингиз мумкин)




**Баҳор
мушоираси**
8-бет

**Аждодларимизнинг
бекиёс
кашфиётлари**
11-бет

ТУХФА

Муборак Қурбон ҳайити арафасида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг тухфаси — Тунис давлатида чоп этилиб, мазкур мамлакат президенти Зайн ал-Обидин бин Али томонидан Ўзбекистон халқига юборилган 30 жилдли Мусҳафи Шариф Тошкент Ислом университети талabalariiga саклаш учун тақдим этилди.

СҮНГГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ



ЎЗБЕК ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

2000 йилда Москвада нашр этилган таникли публицистлар М. Гафарли ва А. Касаев қаламига мансуб "Узбекская модель развития: мир и стабильность — основа про-

гресса" деб номланган китоб "Ўзбекистон" нашиётида "Ривожланишнинг ўзбек моделли: тинчлик ва барқарорлик — тараққиёт асоси" номи билан чоп этилди.


ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Хоразм вилоятининг Янгиарик туманида 600 ўринли касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 100 ўринли ёткозхона ҳам улар ихтиёрига берилди.

ИНГЛИЗ ТИЛИ САБОҚЛАРИ

12-бет

**Тошкентдан
Афинага йўл**
15-бет



ЭШИТИШ ВА КҮРИШ БИРЛАШСА...

Инсон – мукаммал хилқат. У шундай яратылғанки, одам аззоларининг барчасига маълум вазифа юкланды. Тил – галириш, кўз – кўриш, кулок – эшиши вазифасини бажаради ва ҳоза-зо. Уларнинг барчаси бир-бира-га уйғун, бири-бирини тўлдири-ди.

“Миллий истиқол жаңы мұжымнан воситаси” ассоциацияниң қалбы ва онгига етка-зиш буғунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Мағкуравий кураш глобаллашаётган

хозирги даврда тарғибот ишларимизда кўргазмали тарғиботниң аҳамияти ортиб бормоқда. Негаки, кўргазмали воситалар – сурат, плакат, чизма, техник воситалар кечаку кундуз “ишлайди”, барча тилларда “галириди”.

“Маънавият” нашриёти томонидан чоп қилинган “Миллий истиқол жаңы мұжымнан воситаси” китоб-жамланмаси барча ўкув юртлари, корхона, ташкилот ва муассасалар маънавият ва маърифат ходимлари учун ўзига хос ёрдамчи вазифасини ўтайди.

Воизнинг нутки эшиши орқали сингса, кўргазмали воситалар унинг фикрларини “кўрсатади”. Эшиши ва кўриши бирлашади. Китобчадаги кўргазмали воситалар жамланмаси “Миллий истиқол жаңы мұжымнан воситаси” ассоциацияниң тушунча ва тамойиллар” рисоласида олдинга қўйилган вазифалар асосида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этувчилар ва тарғиботчиларга машгулотларда фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқилган. Китоб-жамланма республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳузуридаги Миллий мағфура илмий тарғибот маркази ва Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти томонидан нашрға тайёрланган.

Х. НИШОНОВ

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Таълим ва тарбиянинг зарур воситалари кўп. Шулардан бири ва муҳими – давлат рамзларини дарсларда ва синфдан ташқари машғулотларда пухта ўрганишади.

Лекин бу ишни педагогик жиҳатдан тўғри ва максадга мувофиқ ташкил этиш талаб килинади. Болани ғоявий-сиёсий, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, айниқса, ижтимоий фанлар дарсларида кенг ётибор бериш лозим.

Ўкувчи ва ёшларда Ўзбекистон Давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига нисбатан чукур хурмат ва муҳаббат хис-тўйғуларини ўстириш бутун тарбиявий ишларимизнинг узвий қисмини ташкил этади. Ҳар бир ўқитувчи ўз ўкувчи ва талабаларига давлат рамзларининг туб моҳиятини тушунтира билиши ва уларни пухта ўрганиш изчиллигини тўғри йўлга кўйиши зарур.

Давлат рамзларидан педагогик мақсадларда фойдаланишида, биринчи навбатда, таълим-тарбия ишларининг имкониятларига, илғор тажрибаларига кўпроқ ётибор бериш керак. Шунингдек, давлат рамзларини ўрганиш бўйича олиб бориладиган педагогик ишларнинг назарий ва методик томонларини яхши англаб олиш ҳам жуда муҳимdir. Давлат рамзларини ўрганишда жiddий ва ижодий тайёргарликисиз иш тутиш самарали натижада

бермайди. Дарс ва бошқа машғулотларни, сұхбат, мунозара, ва маъruzalarни шундай уюштириш кераки, у тингловчиларда чукур таассурот қолдирсан, уларда давлат рамзларига чукур хурмат, уларни ўрганишга қизишиш ва иштиёқ ҳосил қўлсан.

Бундай тадбирлар ўкувчиларда фуқаролик сифатларининг таркиб топшишига ёрдамлашади. Ўзбекистон деган мамлакатнинг фуқароси бўлиш фахр эканлигига улар ишонч ҳосил килади, болалар ғоявий бирлигини таъминлади. Давлат рамзлари фақат таъсирчан тарбиявий восита бўлмай, балки таълимий жиҳатдан ҳам муҳим омиллардандир.

Аввало, бошлангич синфларда яни таълим-тарбиянинг ilk bosqichida ўкуvchilar respublikamiz bairoriga va gerbining tasvirini, Davlat madhixiasinining matni bilan taniashidilar va ўkuvchilarda Davlat ҳokimiyati ramzlariga xurmat xis-tuyfusi tarbiyalab boriladi.

Биз, Андикон шахридаги 28-урта мактабнинг Эъзозхон Отамирзаева таълим берәттган бошлангич синфида бунинг гувохи бўлдик.

Ўкувчилар давлат Мадхиясини ижро этиб беришганини, байроғимиздаги ранглар ва гербимиздаги тасвirlar nimmani акс эттишини тўлиқ билишини кўрганимизда хурсандчилигимиз ичимизга сифади. Шунингдек, Абдулҳамид Чўлпон номидаги

Андикон педагогика билим юртида ҳам давлат рамзларини ўрганиш мақсадида амалга оширилаётган ижобий ишларни таъкидлаб ўтиш жоиздир. Билим юртида давлат рамзларини ўрганиш бўйича алоҳида режа ишлаб чиқилган бўлиб, ойнинг биринчи ҳафтасида “Давлат рамзлари” ҳафталигини ташкил қилиш анъанага айланган. Ҳафталикинг охирги куни гурухлароро давлат Мадхиясини хор шаклида айтиш бўйича танлов ўтказилади.

Хулоса килиб айтиганда, биз ҳалқ таълими ходимлари “Таълим тўғрисида”ги Конуннинг таълимий ва тарбиявий талабларини, давлатимизнинг ўшлар маънавий, ғоявий-сиёсий тарбия ишларини олиб бориш ҳакида ги кўрсатмаларини тўла амалга оширилишига эришмогимиз керак. Бу ишларда давлатимиз рамзларини ўрганиш, албатта, таълим-тарбия жаёнининг муҳим омили ва воситаларидан бўлиб хизмат қилиши зарур.

Хамидулло МАТИСАЕВ,
Андикон Муҳандислик-иктисодиёт институти Муҳандислик факультети деканининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Азизахон МАМАЖНОВА,
Андикон тумани физика-математикага ихтисослашган 10-мактаб-интернат директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

ЯШИЛ МАСКАНГА АЙЛАНАДИ

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Наврӯз байрами муносабати билан мамлакатимизда “Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги” ўтказиш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди. Ҳалқ таълими вазирлиги эса Республика мактабларини бугунга кўсалланишади.

Мактабимиз ҳовлиси кенгина бўлса-да, тартибли, озода. Ҳовлимида мингга яқин туп терак, мевали дарахтлар кўкариб

таҳкамлашга ҳаракат килиб келмоқдамиз. Ер майдонларига асосан пахта экилмоқда. Тушаётган фойда эвазига дарслар, бадий адабиётлар, ўкув жихозлари олинмоқда, ўқитувчilar рағбатлантирилмоқда, ўкуvchilar учун мамлакатимизнинг тарихий жойларига саёҳатлар уюштирайти.


Мактабимиз ҳовлиси кенгина бўлса-да, тартибли, озода. Ҳовлимида мингга яқин туп терак, мевали дарахтлар кўкариб



ТАШАББУС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Таҳририятимизга “Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги”ни муносабати тарзда ўтказиш жойларда қизғин кечакетгани тўғрисида хабарлар келиб турди.

Яқинда жамоатчи сураткашимиз Раиль Альбеков ана шундай илм масканларидан бири – Собир Раҳимов туманинадаги 234-мактабда бўлиб қайтди. Чиндан ҳам ушбу илм масканда мавжуд дов-дараҳатлар оханланмоқда, бўш ётган майдонларга олий тоифали меҳнат таълими ўқитувчisi Дилшод Муслимов бошчилигига ҳархил мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилаяпти, ариқ-зовувлар тозаланяпти.



Obodonlashtirish va ko'kalamzorlashtirish oyligi

миз жамоаси улар билан таниши турди, «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»да фаол иштирок этишига, ташаббуси кўллаб-қувватлашга аҳд килиши.

Айни кунда мактабимизда 230 нафар ўқувчи билим олмоқда. Уларга 23 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Таълим муассасамиз фоалиятини ташкил этишида ахилликда, замон талабларидан келиб чиққан холда иш кўрмокдамиз. Мактабимизда кўшимча маблаг ишлаб топиш бўйича яхши анъана шаклланиб, тажриба тўпланимокда. 1998 йилдан бўён хўжаликдан олинган 13 гектар ердан унумли фойдаланиб, кўшимча маблаг топишга ва мактабнинг моддий-техник базасини мус-

турибди. Тераклар етилиш, мевали дарахтлар ҳосил бериш арафасида. Богимизда болалар яйрашсан, ҳар бирининг ўз дараҳати бўлсин, хузурини ҳам ўзлари кўрсан, деймиз.

Яшил – яшиш ранги. Яшиш мустакил ва ёш мамлакатимизга хос кўрнинишидир. Ютилизнинг гуллаб-яшинашига хисса кўшиш, аввало, ўз уйимизни, мактабимизни яшил масканга айлантириш умидидаги бутун мактабимиз жамоаси, ўқитувчilar уш баҳорда ҳар биримиз юз тупдан терак экишга аҳд килдик.

Ўрзобоқ СУЮНОВ,
Зарбор тумани Алишер Навоий номидаги 11-урта мактаб раҳбари

ГУЛШАНАРО БОҒИ ЭРАМ

Авлал хабар берганимиздек, Навоий шахри марказида, Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи барпо этилмоқда. Боғнинг умумий майдони 108 гектарни ташкил этади. Боғнинг марказий хиёбонида шоир А. Навоийнинг ҳайкални қад кўтаради. Ажабнарлиси, ҳайкал атрофидаги нафосатли ошифта гулзорлар майдони 8 гектарни ташкил этади. Гулзорлар атрофига соя-салкин берувчи минглаб манзарали дарахт кўчатлари экилган майдон 20 гектардан ортикроқдир. Айтиш жоизки, бу боғ майдони жиҳатидан республикамиздаги энг катта боғлардан бири бўлиб колади. Ўтказилган дарахт кўчатларини парвариши этиши Навоий туманинда ҳалқ таълими бўлими оталиққа олиб, “Ҳашар” дастурини ишлаб чиқсан.

Айни пайтда дастур мазмуни бўйича тумандаги 24 та мактабнинг 17113 нафар ўқувчилари Алишер Навоий руҳини шод этиш мақсадида боғни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш иштирок этилмоқда.

– Кундан-кунга чирой берәттган мунис мажнунтолларга, қайрагочларга, сулув сарвларга, зарангу чинорларга, Нуротадан келтирилган арчаларга парвариши ва оқлаш ишларида 3, 4, 7, 10, 17-мактаб ўқувчиларининг хиссалари бекиёс бўлмоқда, – дейди туман ҳалқ таълими бўлими мудири Ш.Хамидова.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий ғазалларининг сўнмас садоси Навоий вилоятида бунёд этилаётган ошуфтали гулшандада ўз ифодасини топмоқда.

Навоий шеъриятининг бўстони кенг, гулзорлари кўп бўлиб, ёшларимиз орзусига кўш қанот бўлишига ишончимиз комил.

Ўткир ПЎЛАТ
Навоий вилояти

Аввал хабар берганимиздек, Мирзо Улугбек туманинда 50-мактабда ЮНЕСКО/ОТБ ҳамда ХТВ ҳамкорлигида "Ўзбекистонда таълим ислоҳотларининг амалга оширилиши мониторинги" бўйича икки кунлик Республика семинари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпогистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБлари мониторинги бўлимлари бошликлари иштирок этишиди.

Семинарнинг дастлабки куни иштирокчиларни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Рисбий Жўраев қабул қилиди. Қизгин сұхбат жараённада мониторинг хизмати олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида сўз юритилди.

Ганларга қайта-қайта айтганман. Бугунги маърузамда эса ислоҳотларда бош индикатор нималигига, шунингдек, маълумотлар йигиндин сифатига алоҳида тўхталаман. Сабаби, жойлардан олинган маълумотларда ноаниклилар жуда кўп учрайди. Ундан ташқари, семинарда етакчи консультантларимиз йигилганларга маълумотларни қанақа қилиб олиш, бериш тўғрисида маъруза қиласидар, мактабнинг компьютер залидаги амалий машгулотлар олиб борадилар.

Дарвоқе, ялпи йигилиш якунланиши биланоқ назарий ва амалий машгулотлар бошлаб юборилди. Уларни ХТВ ДТС мониторинги бошқармаси мутахассислари, ЮНЕСКО/ОТБ етакчи консультантлари олиб боришди. ВХТБ мониторинг бўлим-

туманлардан, вилоятлардан юқори ташкилотларга берилган ҳисоботларда йўл қўйилган хатомчиликларни ва уларнинг келиб чиқиши сабабларини билиб олдик. Очиғи, семинар бизга ҳар жиҳатдан фойдали бўлди.

Бахтиёр МУҚИМОВ, Намангандан вилояти ХТБ мониторинг хизмати бошлиғи:

— Семинарда таълим соҳасига оид барча ҳисоботларни юритиши мукаммал ўргандик. Муҳими, у ерда ислоҳотларнинг тўғри йўлдан кетаётганлиги аниқластирилиб, улар қайси соҳаларга чуқур кириб бораётганлиги, қилинган ишларнинг мазмун-мөҳияти айтилди, таҳлил қилинди.

ТААССУРОТЛАР ҚАНДАЙ БЎЛДИ?

Семинарнинг ялпи йигилишини ЮНЕСКО/ОТБ лойиҳаси раҳбари Алишер Умаров очиб, мазкур тадбирнинг мақсади ва вазифалари хусусида атрофлича фикр юритди. Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий комплекси таълим сектори мудири Мирмуҳсин Акбаров, халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлидиновлар ҳам қатнашиб, "Кадрлар тайёрлаш миллӣ дастури: таълим ислоҳотларининг уч йиллик тажрибаси", "Таълим сифати мониторинги" мавзуларида маъруза қилдилар.

Ялпи йигилишдан сўнг семинар ташкилотчиси Алишер Умаровни сұхбатга чорладик:

— Мониторинг, — бу ислоҳотлар кўяётган, вакът ва бюджетдан келиб чиқадиган мақсадларга эришишини таъминловчи тадбирлар мажмусидир, — деди у. — Бу қоидани ва мониторинг моҳиятини аввалги семинарда йигил-

ларининг келажакдаги вазифаларини янада мукаммалластириш мақсадида халқ таълими тизими бўйича йигилган 1997-1999 йиллар маълумотлари таҳлилга тортилди. Энг зарурий материаллар эса маҳсус жадваллар асосида тушунтирилди. Семинар якунидаги соҳадаги муаммолар ечими юзасидан билдирилган фикрлар умумластирилиб, бу борадаги вазифалар белгилаб олинди. Мавзу бўйича тушган саволларга мутахассислар, етакчи консультантлар атрофлича жавоб қайташиди.

Биз ҳам фурсатдан фойдаланиб, иштирокчиларга "Семинар ишидан қаноатландингизми?", "Семинардан нималар олдингиз ва ундан олинган таассуротлар қандай бўлди?" каби саволлар билан мурожаат қилдик.

Зоир САТТОРОВ, Жizzah вилояти ХТБ мониторинг бўлими бошлиғи:

— Бу ерда кўпгина янгиликлардан воқиф бўлдик. Ҳисоботлар манбани қаердан олиши ўргандик.

Шунингдек, эътиборни яна қайси соҳаларга қаратиш лозимлиги юзасидан зарур маслаҳатлар берилди.

Эркабой ҚИЛИЧЕВ, Қашқадарё вилояти ХТБ ДТС мониторинги бўлими бошлиғи:

— Семинарда таълим ҳужжатларида учрайдиган айрим хатомчиликлар, мавжуд муаммолар ечими изланди. ДТС бажарилишида қандай муаммо, тўсиқлар борлиги рўйи рост айтилиб, биргаликда фикрлариди. Сираини айтганда, бу семинардан жуда кўп маълумотлар олдик. Эндиликда жойларда вилоятдаги туман ХТБларининг мониторинг хизмати ходимлари учун семинарлар ташкил этилади. Тошкентдан олинган таассуротлар тўлдирилган ҳолда туманларга, таълим мұассасаларига етказилиди. Қисқаси, бу семинар биз учун ўзига хос ўқув, мактаб вазифасини ўтади.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

ЁШЛАРГА ИШОНЧ

Яқинда "Баҳор" концерт залидаги Абу Райхон Беруний номидаги ТДТУ республика лицей-интернати ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида "Миллӣ истиқлол" гояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича таълим дастурларини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишини ташкил этиш тўғрисида"ги Президент Фармонлари мөҳиятини ўрганиш ва амалга оширишга бағишиланган анжуман бўлиб ўтди. Учрашуда республикамизда кўзга кўринган олимлар, ҳуқуқшунослар, ёзувчи-журналистлар ҳамда университетнинг раҳбар ходимлари иштирок этдилар.

— Азиз ўғил-қизларим, тенги йўқ Ватан — Ўзбекистонни сизга ишонализм, — деди ёшларга ўз мурожаатида Ўзбекистон халқ қаҳрамони Абдулла Орипов. — Уни ардоқлаш ва янада юксалитиш сизнинг муқаддас бурчингиздир.

Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаевларнинг эҳтиросли нутқи ва шеърлари ўқувчиларнинг юртсеварлик туйғуларини тўлқинлантириди.

Анжуман сўнгидаги Юлдуз Исламова раҳбарлигидаги "Тановар" рақастаси ижроидаги ўтмишда яшаб ўтган ўзбек шоирлари Увайсий ва Нодира ижодий фаолиятини ўзида акс эттирган мусиқий композиция йигилганларда катта таассурот қолдириди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ

Seminar

«БИР ВИЛОЯТДА ИККИ ХИЛ МАНЗАРА»

"Ma'rifat", 2001 йил 6 январ

Муҳбиримизнинг шу мавзудаги танқидий чиқишида Сурхондарё вилоятининг Кумкўргон ҳамда Шўрчи туманлари мактаблари қиёслаб ўрганилиб, Шўрчи туманида фаолият кўрсатадиган 16-иҳтинослаштирилган мактабда юзага келган мухит, аянчли аҳвол ҳақида афсуслашиб гапирилганди. Яқинда ҳам танқидий, ҳам таҳлилини чиқишизга вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С. Иноятовадан жавоб ҳати олдик. Унда, жумладан, шундай дейилади:

"Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси "Маърифат" газетасининг 2001 йил 6 январ сонидаги босилган "Бир вилоятда икки хил манзара" номли танқидий маколага жавобан қўйидагиларни маълум қилади:

Шўрчи туманидаги 16-иҳтинослаштирилган мактаб-интернатда кадрлар ва таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ қатор муаммолар юзага келган. Ўтган 4 йил мобайнида мактаб-интернат раҳбарлари 3 марта алмаштирилган. Ўқувчиларга фанлар бўйича дарс берадиган баъзи ўқитувчиларнинг билим ва малакаси замон талабларига жавоб бермаслиги аниқланган. Уларни билимдон ва таҳрибали муаллимларга алмаштиришга тўғри келган.

Шунингдек, кейинги йилларда мактаб-интернатда ишаётган ўқитувчилар гуруҳга бўлиниб, турли хил юқори ташкилотларга шикоят аризалар ёзиш билан шуғулланишган. Бу мусассаса фаолиятига салбий таъсир этган. Вилоят Халқ таълими бошқармаси мутахассислари томонидан мактаб-интернатда юз берадиган носоғлом мухит ва ноҳуш ҳолатлар атрофлича нуғузли комиссия томонидан ўрганилиб қўйилган. Комиссия хулосалари туман ҳокимияти томонидан 2000 йил 29 майда ўтказилган йигилишда, вилоят Халқ таълими бошқармасининг 2000 йил 2 июндаги 5/4 рақамили хайъат мажлисида кенг муҳокама этилган. Унда мактаб-интернатда олиб борилаётган ишлар коникарсиз, деб топилган.

2000 йил 26 октябрда туман ҳокимлиги фармойишига асосан ўтказилган аттестация жараёнида мактаб-интернатнинг 21

Bizga javob beradilar

нафар педагогик ходимларидан 11 нафари ўзлавозимига лойиқ, колган 10 нафари нолойиқ деб топилган. Туман ҳокимлиги ва 16-иҳтинослаштирилган мактаб-интернат раҳбарияти 10 нафар педагогик ходимларни иш билан таъминлаш масаласида амалий ёрдам беришни туман халқ таълими бўлимига топширган. Лекин мактаб-интернат ўқитувчилари мактабларга ишга бормаган.

Мактаб-интернат раҳбарияти аттестация натижасида 10 нафар нолойиқ деб топилган педагогик ходимларнинг ўтиб турган дарс соатлари қолиб кетмаслик чорасини кўриш мақсадидаги янги педагогик ходимларни ишга олган ва кўшини мактаб ўқитувчиларидан илтимос қилиб, дарсларни қолдирмаслик чораларини кўрган.

Халқ таълими бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган текширишларда мактаб-интернатни битирган ўқувчиларнинг ўқишга ва ишга жойлашиши ҳақидаги маълумотлар чалкаш эканлиги аниқланган.

Шикоятиларнинг аризалари бўйича Халқ таълими вазирлигидан келган вакил жамоадаги мухитни ўрганиб, тўлиқ таҳлил этган. Уларни вазифаларига қайташини тавсия қилган. Ҳозирги вақтда 10 нафар ўқитувчи иҳтинослашган мактаб-интернатда мутахассислари бўйича фаолият юритаётган.

Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан мазкур муассасадаги таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалаларини қатъий назоратга олиш, мактаб-интернатга амалий ёрдам кўрсатиш масаласида тезкор чора-тадбирлар кўрилди. Амалдаги қонун-қоидалар доирасида келгуси ўқув йилида Шўрчи туманидаги 16-иҳтинослаштирилган мактаб-интернатнинг ўз макомига тўғри келиши ёки келмаслиги, қайта ташкил этиши ёки тутагиши масаласини вилоят ҳокимлиги билан келишилган ҳолда кўриб чиқиш масаласи режалаштирилди.

С. ИНОЯТОВА,
Вилоят халқ таълими бошқармаси
бошлиғи

БИР ЎЗИ МУТЛАҚ ГОЛИБ

Баҳорнинг илк байрами арафасида К.Беҳзод номидаги Рассомчилик Дизайн милий институтидаги санъатшунослик факультети талабалари ўтасида "Балли, қизлар" беллашув бўлиб ўтди.

Институт хотин-қизлар қўйимтаси ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирда иштирокчи қизлар бир-бирларининг кўйиган миллий либосларини ифодалаб берилди. Сўнг сабзи арчиши ва тўғаш бўйича уларнинг чақонлиги ва пазандачилиги синаиди. Эркин мавзууда эса иштирокчилар ўз маҳорати ва қизиқишиларини наимойши қилишиди. Беллашув ниҳоясида ҳакамлар ҳайъати қатнашилардан Г.Исломова ва М.Сапаеваларни исканичи, К.Аҳмедова ва С.Насрийдиновларни биринчи ўринларга, Гулноза Қодировани эса мутлақ голиб сифатида бош совринга мунособ деб топдилар.

— Бундай беллашувлар ёшларимизнинг келгуси ҳаётидаги мухим аҳамиятга мөлкидир, — деди хотин-қизлар қўйимтаси раиси Баҳорат Ҳакимова. — Зоро, қизларимизнинг бугунги иштироки уларни ижодий изланишга, мустақил тафаккурининг шаклланишига, танлаган касбларига оид малака ва кўниқимларга эга бўлишларидаги ўтади.

Тадбир сўнгидаги институт мавзумияти ва касаба ўюшмаси голибларни мунособ тақдирлади.

Нур АЛИ

ҚИЗИҚАРЛИ ВА ЖОЗИБАЛИ БЕЛЛАШУВ

Ўкувчиларнинг математика фанидан олган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида Шайхонтохур туманидаги 85-ўрта мактабда "Математика – фанлар ичидаги шоҳ..." мавзууда беллашув ўтказилди. Беллашувда 5-“А” синфининг "Умид" гурӯҳи ҳамда 5-“Б” синфининг "Истиқлол" гурӯҳи аъзозлари математика фанидан эгаллаган тушунча ва билимларини саҳнада намойиш этдилар. Шунингдек, улар ўзларининг ичакузди хандалари билан даврага янада файз киритишиди.

Мусобакада 42 балл тўплаган "Истиқлол" гурӯҳи голиб чиқди. Шунингдек, беллашувда ал-Хоразмий ролини маромига етказиб ижро этган Садирхўжа Қодиров ўзининг ақлли, доно фикрлари, тилакларини баён этганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоиз.

Тадбир сўнгидаги мактаб раҳбари Дилором опа Жавҳарова аълочи ва илғор ўкувчиларга ўз миннатдорчилигини изҳор этди. Қисқаси, беллашув барчада катта таассурот қолдириди.

НАВРУЗИНГ МУБОРАК, ЭЛИМ!

**Бойчечак чиқибди, бугун Наврӯз экан!
Хамма бир-бирига жигар сўз экан,
Оlam ҳам баробар кеча-кундуз экан,
Бойчечак чиқибди, бугун Наврӯз экан!**

Халқ қўшиғи

Дарвоке, "Оналар ва болалар йили"даги Наврӯзининг тароватидан ўлкамизга файз кирмоқда.

Ўзбек халқининг қадим-қадим қадриятларидан бўлган "Наврӯз" байрами ўқувчи ёшларни умуминсонийлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, меҳмон-дўстлик, тинчликсеварлик, меҳр-шафқатлийлик, байнаминчалик, имон-эътиқодлийлик, саховатлийлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этадиган тарбия мактабидир.

Мактабларда, мактабдан ташқари, мактабгача таълим муассасаларида, меҳрибонлик уйларида, барча таълим-тарбия даргоҳларида, маҳаллаларда Наврӯз байрамини шодиёналиқ билан ўтказиш борган сари оммавийлашмокда.

Наврӯз байрамига оид амалий семинар, тарбиявий соат, очик дарс, адабий, илмий-амалий кечалар, конференциялар, давра сұхбатлари ўтказиш, 1-2 соатга мўлжаллаб байрам тартиботлари тузиш мумкин.

Мактабгача таълим муассасаларида мурғак қалб ғаларига табиат, атроф-оламнинг уйғониш фасли ҳақидаги илк тушунчаларни табиат қўйнига сайдарлар орқали етказиш лозим. Бунда уларга майсалар, гуллар, қўёшнинг илиқ нури, кўкатлар ва улардан тайёрланадиган шифобаҳш таомлар, баҳор элчиси бойчечак, кўкламги илк ҳашоратлар ҳақида гапирилиб, она табиат ор-қали улар қалбиди борликка, Ватанга меҳр-муҳаббат уйғотилади.

Алломаларимизнинг Наврӯз ҳақида айтган фикрлари, унинг тарбиявий аҳамияти, келиб чиқиш тарихи соддалаштирилиб, Наврӯзой, Дехқонбобо, Баҳорой, Гулчечак образлари орқали сингдирилади.

Бошлиғич, яъни 1-4-синфларда ўтказиладиган байрам тадбирларида Наврӯзининг қандай нишонланиши, байрамда айтиладиган қўшиклар, унинг янги кун демаклиги, меҳр-оқибат байрами эканлиги, унда бемор ҳолидан хабар олиш, юмушларига ёрдамлашиш, кўча ва ариқларни тозалаш, гул ва кўчат экишининг хосиятлари бола ёшига мос равишда тушунтириб берилади.

Мактабларнинг 5-9-синфларида Наврӯз шодиёналарига алоҳида ҳозирлик кўриш лозим бўлади.

Чунки бу ўшдаги ўқувчилар тез фаҳмлайдиган, харакатчан, ҳар нарсага қизиқувчан ва зийрак бўладилар. Наврӯз тантаналарида ўзбек халқининг урф-одатларидан ҳашар қилишнинг тарбиявий аҳамияти шанбаликлар мисолида исботланиши мумкин. Маҳалла, қишлоқ, мактаб атрофларини ободонлаштириш, ариқ-зовувларни тозалаш, гул ва дараҳт кўчватлари ўтказишнинг ижобий томонлари ва бунда ўқувчиларнинг фаол қатнашишлари фойдадан холи эмас.

"Боболаримиз Наврӯз ҳақида", "Наврӯзининг тарихи ва янгиланиши", "Наврӯз — умумхалқ байрами", "Наврӯз — дехқончилик байрами", "Наврӯз — дўстлик ва бирдамлик байрами", "Наврӯз — поклик ва эзгулик байрами", "Наврӯз — урф-одатлар, маросимлар байрами", "Наврӯз — санъат ва ижодкорлик байрами", "Наврӯз — бу ўзликни англаздир", "Наврӯз — буюк қадрият", "Наврӯз — Ватанимиз фурури", "Наврӯз ва истиқлол туйғуси",

Metodik tavsiyalar

"Наврӯз агадийлик рамзи", "Наврӯз ва Мустақиллик" мавзуларида байрам кечалари ўтказилиб, унда мустақиллик даврида Наврӯз байрами қайтарзда нишонланаётганинги яна бир бор эслатилиб, юртимизда хурликнинг, озодлик ва адолатнинг тантана қиласиги фактик материаллар асосида шархлаб берилади.

X-XI синф ўқувчилари учун "Мутафаккирлар Наврӯз ҳақида", "Наврӯз — тарихий ва навқирон байрам", "Наврӯз — мумтоз шоирлар назмида", "Наврӯз комил инсонни тарбиялайди", "Наврӯз ва истиқлол мағкураси", "Наврӯз — саховат, меҳр-шафқат байрами", "Наврӯз ва Ватан туйғуси", "Наврӯз — урф-одат, расм-руsumлар байрами" каби мавзулар асосидаги байрам тадбири ўзгача руҳ-шукух олиб киради.

Жойларда Наврӯз тантаналарини ўтказиш ташкилотчилардан алоҳида тажриба, маҳорат, изланинчалик ва ижодкорлик талаб қилади. Тадбирда буюк бобокалонимиз Абу Райхон Беруний, Умар Ҳайём, Рабғузийларнинг Наврӯз ҳақидаги ҳикматларидан, Юртбошимизнинг ҳикматли фикрларидан унумли фойдаланиш шарт ва зарур.

"Истиқлоннинг истиқболли Наврӯзисан!", "Оналар ва болалар йили"да Наврӯз мадҳи", "Наврӯзда қизлар жамоли", "Курашда ҳалоллик енгади", "Соғлом авлод керак ҳаётга!" каби мавзулардаги тури-туман танловлар республикамизнинг барча таъ-

лим-тарбия муассасаларида уюширилса, байрам қадри янада ошади. Ёш ижодкорлар орасидан ғолиблар аниқланади. Миллий анъаналаримиздан бўлмиш асқиябозлик, лапарлар, ёр-ёр, келин салом, пайровли айтишувлар кечани янада завқшавқга тўлдиради.

Наврӯз тантаналарида сумалак, ҳалим каби шифобаҳш таомлар пиширилади. Сумалак, ҳалим баҳона қўни-қўшни, қариндош-уруг, ёр-биродарлар бирлашадилар.

Наврӯз байрамини нишонлаш кишилардан юқсак масъулият талаб этади. Байрам тантаналарини ўтказишга шоирлар, ёзувчилар, актёрлару со зандалар, олиму фузалолар, обрўли шахслар, маҳалла-кўй, ҳомий ташкилотлар, хорижий давлат элчихоналари вакиллари, радио, телевидение ва бошқа оммавий аҳборот воситалари вакиллари таклиф килинади.

"Наврӯз"да факат хурсандчилик, кулгу, хушчақчақли билан чегараланиш керак эмас. Айни пайтда баҳорги юмуш ва тадбирлар ҳам режалаштирилади.

Зоро, Президентимиз айтганларидек, Наврӯз мустакил Ватанимиз учун айниқса, азиз ва қадрли! Чунки, биз уни курашиб, қайта кўгла киритдик. Бир вақтлар Ўзбекистон ва ўзбеклар шаънига маломат тошини отган кимсалар Наврӯзин ҳам бадном қиммоқчи бўлдилар, ҳалқни табаррук байрамидан айирмоққа уриндилар. Яратганга шукрлар бўлсинки, уларнинг бу ғаразли нияти амалга ошмади. Истиқлол таровати билан ҳалқимиз кўхна байрамини росмана яйраб кутиб олишга қайтиди. Кутлуғ Наврӯз кунларида, бундан бўён ҳам юртимиз ва ҳалқимиз шаъни, маънавий қадриятларини кўз қорачигида асраб-авайлашимиз, қатъий химоя қилишимиз зарур.

Наврӯз сулҳ ва тотувлик байрами. Биз она юртимизнинг ҳамиша тинчлиқда, омонлиқда бўлишини тилаймиз ва қўшниларимизга, ички низолардан жафо чекаётган ҳалқларга ҳам баркарор осойишталини радио кўрамиз.

Наврӯз қадимиий ва кўхна бўлса-да, уни ҳар бир йил, ҳар кўклам ўзгача янгилайди. Шунинг учун ҳам Наврӯз ҳеч қачон ўз тароватини, нафис жозибасини йўқотгани йўқ ва йўқотмайди ҳам. Аксинча, Наврӯз энг замонавий маросим, расм-руsumлар билан бойиб, тобора гўзаллашиб, ҳалқимизни яна да кўпроқ хушнуд этиб, эзгуликка чорламоқда. Бу истиқлоннинг яна бир бор тантана қилинишидир.

РТМ "МАЊНАВИЙ-МАЃРИФИЙ ИШЛАР" бўлими

Taklif

додларимизнинг табиатдан фойдаланиш соҳасидаги аньянавий ахлоқ-одоб қоидлари унуттиб юборилди", деб таъкидлаган.

Миллий қадриятларимизни тиклаш, уни болаларимизга етказиш, уларда экологик онгни шакллантириш, экологик маданияти қарор топтириш—шахс маданиятигининг ажралмас қисмига айланиси керак.

Хўш, мактабларда бу борада қандай ишларни амалга ошириш мумкин?

— Мактабларда ўқувчиларнинг "Яшил посбонлар" гурухини ташкил қилиш;

— "Яшил посбонлар" гурухи ўзининг кичкина ер майдонларида дараҳтларни кўпайтириши;

— кўпайтирилган дараҳтларни ҳар бир синф ўзига биринчирилган ер майдонларида ўтказилиши ташкил қилиш;

— Мана шундай ишларни амалга ошириш натижасида мактаб ер майдонида "Кичкина мактаб боғи" вужудга келади. Мактаб боғининг кўркамлиги бутун ўқувчиларни ўзига жалб қилади. Ўқувчиларнинг она-Ватанга ва яшашга бўлган иштиёқлари янада ортади.

**Х.ХОТАМОВА,
«БИОЭКОСАН» бўлим
бошлиғи**

КИЧКИНА МАКТАБ БОҒИ КАТТА БОҚҚА АЙЛАНАДИ

Турон сultonининг боғдорчилик санъатидаги салоҳиятини эътироф этиб, ўз асарларида унинго ўтган боғларни таърифу тавсиф ижодидан қиёс олиб боғлар яратишга тутинганлар. Милоддан аввали 811-781-йилларда Ашшура (Ассирия) маликаси Шамурамат-Семирамада яратган осма боғлар, Миср подшоси Шаддод бунёд ўтган боғи

Нав, боғи Нақшжаҳон, боғи Давлатобод, боғи амирзодаи Шоҳруҳ, боғи Майдон, боғча, Гулбоғ ёхуд Тахтиқорача боғи қабилар.

Амир Темур боғлари хусусида муҳтасар маълумот беришдан мақсад шу: "Ҳар эзгу ишдан ибрат олингиз эй ақли салим эгалари".

Буюк давлат арбоби Амир Темур барпо ўтган боғлар, боғомиз Алишер Навоий томонидан амалга оширилган ишларни биз доимо эсда тутмогимиз ҳамда фарзандларимизга бу удумни кенг тарғиб этишимиз

диган ушбу тадбирда ўқувчининг маънавияти шаклланади. У бевосита умумжамоа, умумсинг, тенгдошлари, педагоглар билан мактаб ҳашарида иштирок этади. Миллий бетакрор удум ҳисобланган ҳашарнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида бир тўхтамга келади.

Президентимиз Ислом Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўса-ғасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари" асарида "... охириги юз йилликда айнан минтақанинг экологик тизимига жуда катта зарар етказилди. Аж-

амали инсоният тараққиётни таърихдаги энг улуғ қашфиётлардан биридир. Инсон ибтидоий замонлардан боғни ҳаёт ва тўкинчилк рамзи санайди. Барча қадимиий диний асотирларда жаннат мангушиниб турган боққа қиёс этилади. Шу сабабдан Шарқ шоирлари гўзал боғдорчилик тарихида алоҳида тажриба, маҳорат, изланинчалик ва ижодкорлик талаб қилади. Тадбирда буюк бобокалонимиз Абу Райхон Беруний, Умар Ҳайём, Рабғузийларнинг Наврӯз ҳақидаги ҳикматларидан, Юртбошимизнинг ҳикматли фикрларидан унумли фойдаланиш шарт ва зарур.


Боғдорчилик халқ тарихи, унинг маданияти, илм-фани, адабиётни ва санъати, дехқончи-

КҮЧМА ЙИГИЛИШНИНГ САМАРАСИ КҮП

(Давоми. Боши 1-бетда)

НАМАНГАН – КҮРСАТКИЧИ ЯХШИ ВИЛОЯТ

Марказ Башқарув Кенгашининг кўчма йигилиши кун тартибидаги биринчи масала, яъни Андикон, Фаргона, Наманган вилоятлари академик лицейлари ва касб-хунар колледжларида янги педагогик технологиянинг жорий қилиниши, техник воситалардан фойдаланиши даражаси ва унинг таълим мазмуну сифатига таъсири хусусида ЎМКХТ Маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари Ҳайриддин Масудов атрофлича ва таҳлилий маълумотлар берди. Жумладан, у текширилган учта вилоятнинг ичидаги Наманган вилоятидаги ўрта махсус, касб-хунар таъ-



лими ўкув муассасаларидаги таълим-тарбия мазмунига салмоқли ўзгаришлар жорий қилинганлиги, бу ерда ўқитувчиларда ҳам, ўкувчиларда ҳам янгиликка интилиш, таълим мазмунидаги ислоҳотларга ижобий ёндашув сезиларни даражада қайд қилинганлиги таъкидлайди.

Ха, дастлабки йили мазкур вилоятда тажриба тарқасида биттадан ишга туширилган академик лицей ва касб-хунар колледжи фаолиятларини ташкил этишда бир қанча қўйинчиликларга дуч келинди. Ислоҳотларнинг иккинчи йилида ҳам вилоятда амалга оширилган ишлар талаб даражасида эмас эди. Аммо, 2000-2001 ўкув йилидан эса бу ердаги ҳолат яхши томонга ўзгарди. Наманган шаҳри, Тўракурғон, Чуст, Чорток туманларидаги таълим масканларининг бунёд этилиши, муҳими одамларнинг, айниқса, курувчиликларнинг ишга муносабати ўзгарди. Бугун маҳаллий ҳокимликлар ўз худудларидаги жойлашган ҳар бир ўкув масакни хусусида тўлиқ маълумот беради. Бунга кўчма йигилишда иштирок этган барча вилоятларнинг вакиллари гурухларга бўлинган ҳолда жойлардаги билим даргоҳларига ташрифлари пайтида амин бўлишиди. Мана сизга муносабат! Мана сизга ишга баҳамжихат киришиб кетиш! Ахир, Президентимиз ҳам бугун ҳаммамиздан айнан шундай муносабатни талаб этмоқда-ку. Вилоят таълим муассасалари ўкув хоналарининг ҳар бирида рейтинг тизимини ўрганиш бўйича маълумотлар бурчаги ташкил қилинган. Яна бир эътиборли томони шундаки, ҳар бир ўкув хонасида Давлат таълим стандартлари, муайян ўкув фани бўйича ўкувчилар қандай билимларга эга бўлишликлари шартлиги ҳам алоҳида кўрсатиб кўйилибди. Бу эса ўкувчиларимизнинг ўқитувчилардан нималарни талаб эта олишлари мумкинligini билишини тақозо этади. Шунингдек, мазкур худудда ижодкор ўқитувчилар иш тажрибаси ўрганилиб, вилоят миёседа оммалаштириш масаласи, таълим жараённанда мұхим бўлган таянч конспектларининг яратилиши, кутубхоналар фаолияти яхши йўлга кўйилганлиги алоҳида таъкидланди.

Йигилишда Фаргона водийисидаги академик лицейлар ва касб-хунар колледжларини жиҳозлар билан таъминлаш ҳолатлари, ўкувчилардан фанлар

бўйича олинган ёзма ишларининг ўртача ўзлаштириш натижалари кўрсаткичи, ушбу ҳудудлардаги таълим муассасалари педагогларининг таркиби, мұхандис-педагоглар масалалари кўриб чиқиди. Фаргона водийиси касб-хунар колледжлари ўкувчилар контингентининг 50 физини ташкил этувчи мутахассисликлар тайёрлов йўналишлари, вилоядта ўтказилган “Сиз қонунни биласизми?” кўриктанловининг натижалари, ўкув юртларининг умумтаълим фанлари бўйича дарсликлар билан таъминланганлик даражаси ҳақида ҳам маълумотлар барчанинг эътиборини жалб қилди. Шунингдек, водийдаги таълим муассасалари балансида бўлган автомобиллар ва қишлоқ хўжалик техникаси хусусидаги маълумотлар, уларнинг созлиги, таъмир талаб ва яроқсиз ҳолда эканлиги фоиз ҳисобида берилди. Юқоридаги масалалар бўйича йўл кўйилган камчиликлар ҳам аниқ айтилди. Масалан, айрим таълим масканларида физика ва кимё фанлари бўйича жиҳозларнинг ҳали-хануз ўрнатилмаганилиги ёки бу жиҳозлардан тўғри фойдаланмаганик ҳолатлари, ички интизомга сусткашлик билан қараш натижасида жойларда гурух журнallарининг юритилишидаги камчиликлар, ҳатто келмаган ўкувчиларга баҳо кўйиш фактларининг аниланганлиги, ўкувчилар давомадининг пастлиги очиқ-ойдин кўрсатилди.

Хўш, дарсга қатнашмаётган ўкувчилар қаерда, улар нима билан машгул? Бу хусусда ҳар бир ўқитувчи аниқ жавобга эга бўлиши даркор. Зоро, бугун шу соҳада меҳнат қилаётган ҳар биримизнинг ўкувчи олдида, унинг ота-онаси, колаверса, Президентимиз ва Она-Ватанимиз олдида виждонимиз пок бўлсин. Замонавий, мұхташам биноларда таълим олаётган ўкувчиларни чала савод қилиб чиқарishга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Биринчи масала юзасидан Андикон, Фаргона, Наманган вилоятлари ЎМКХТ бошқармалари бошлиқлари сўзга чиқишиб, ўзларига кўйилган саволларга жавоб бердилар.

... “Намангандан ўрнак олинг!”. Бу хулоса йигилишда кўп бора таъкидланди. Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, бугун Наманган вилоятидаги амалга оширилган ишлар киши дилини кувонтириши



табиийдир. Зоро, дастлаб қолоқлар сафиди бўлган бу ҳудуд бугун бошқа вилоятлардан бирмунча ўзиб кетди. Бу ерда, ҳудудий бошқарма раҳбариятинг эски кадрлар билан янгича усулда иш олиб бориши тажрибасини бошқа ҳудудлардагилар ҳам ўзлаштириб боришиша ҳеч кам бўлмайди.

Марказ Башқарув Кенгashi таълимда кўчма йигилишининг айнан шу ерда белгиланишидаям асос бор. Чунки, дастлаб вилоятлар жойлашуvidan келиб чиқиб ҳудудларга бирлаштирилади ва бу ерда текширувлар юргизилади. Сўнг кўрсаткичлари энг яхши вилоят аниқлашиб, ўша ерда Марказнинг кўчма йигилиши белгиланади. Сабаби, бундай жойларда ўкувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар, маҳаллий бошқарув органлари, ҳокимиятларнинг мазкур соҳага қарашлари, муносабатлари ижобий ўзгарганлигини тажриба тасдиқламоқда. Шу ўринда бундан олдинги мажлис Бухорода ўтказилганлигини эслатиб ўтиши мозим лозим.



ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ

Йигилишда кўриб чиқилган иккинчи масала Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри таълим муассасаларида ўкув-тарбия жараёнининг ташкил этилиши ҳолатининг таҳлилига бағишилди, ва бу тўғрисида Марказ капитал курилиш, реконструкция, таъмирлаш ва моддий-техник жиҳозлаш бошқармаси бошлиғи Убайдулла Усмонов ҳисобот берди.

Ҳисоботда текширув бўлган пайтда Тошкент шаҳридаги Ҳамза авиасозлик, Ҳамза темирйўл, Юнусобод радиотехника, Мирзо Улуғбек технология касб-хунар колледжларида, Тошкент вилоятининг Ангрен техника, Пскент қишлоқ хўжалик, Янгиобод радиотехника, Чиноз қишлоқ хўжалик касб-хунар колледжларида, Сирдарё вилоятида Оқолтин иқтисодиёт, Гулистон курилиш касб-хунар колледжларида ўкувчилар давомадининг пасайиб кетганлиги кўрсатилди. Ҳатто Пскентда дарс жадвалининг бузилиши сабаб ўкувчиларнинг ўкув куролларисиз дарсга келиши фактлари аниланган. Шунингдек, ушбу учта вилоят бўйича мұхандис-педагог кадрларнинг салоҳияти, жумладан, уларнинг малака ошириш ҳолати тўғрисида маълумот берилди. Йигилишда жойларда ўкув-техник жиҳозлардан самарали фойдаланиш зарурлиги ўтирилди. Зоро, текширув жараённада айрим жойлардаги устахоналар бўм-бўш бўлса, бошқа жойда эса, жиҳозлар умуман йигишириб кўйилган ҳолатлар учраган. Бунинг барчаси таълим муассасаси раҳбарининг ўз ишига суст қаранганилиги, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдалана билмасликларига далиллар. Шунинг учун ҳудудий бошқармалар бошлиқар тизимини маҳкаморқ ушлышлари, бундай ҳолатларни тез фурсатда бартараф этишлари лозим. Мазкур масала доирасида Тошкент, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар ЎМКХТ ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ҳисобот бердилар.

Башқарув Кенгashi йигилишида ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими ўкув муассасаларида 2001-2002 ўкув йили учун ўкувчиларни қабул қилиш тартиб ва қоидлари лойиҳаси ҳамда Марказ Башқарув Кенгashi 2001 йил иш режаси тасдиқланди.

МАҲСУЛОТЛАР ЯРМАҚАСИ

Башқарув Кенгashi йигилиши бўлиб ўтган Наманган санъат колледжидаги вилоят ЎМКХТ бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларида тайёрланган маҳсулотлар ярмаркаси ташкил этилди. Унда иштирок этган жами 20 тадан зиёдрок таълим масканлари ичидаги Наманган педагогика билим юрти қошида ташкил этилган кўп тармокли “Ниҳол” ишлаб чиқариш фирмасида тайёрланган турли ўналишдаги маҳсулотлар эътиборимизни тортид. Қандолат, нон, сут, гўшт маҳсулотлари, чармдан тикилган ўкувчилар учун сумкалар, енгил саноат маҳсулотлари кўзингизни кувонтиради. Косонсой, давлатобод енгил саноат, Тошбу-

лок, Наманган саноат, Поп, Наманган қишлоқ хўжалик, Чуст саноат, транспорт ва алоқа касб-хунар колледжлари, бир неча касб-хунар, бизнес мактаблари жамоаларида тайёрланган буюлар, НамДУ қошидаги академик лицей кутубхонаси ҳамда Тўракурғон агрориқтисодиёт касб-хунар колледж қошидаги “Фермерларни ўқитиш ва ахборот билан таъминлаш Маркази” нинг фаолиятлари хусусида сўз юритувчи кўргазмалар дикъатга сазовор бўлди.

КУТИЛМАГАН ТАШРИФЛАР

Наманганда иккى кун давом этган тадбирдан сўнг ЎМКХТ Маркази раҳбарияти ташаббуси билан кўшни вилоят янги турдаги таълим муассасаларига, аслида режада йўқ бўлса ҳам, кутилмаган ташрифлар уюштирилди. Иштирокчилар дастлаб Андикон вилоятининг Олтинкўл енгил саноат касб-хунар колледжидаги бўлишиди. Мазкур маскан 900 ўкувчи ўрнига мўлжалланган. Айни пайдада 225 нафар талаба таҳсил олмоқда. Андикон вилоятини ЎМКХТ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдумалик Ҳошимовининг таъкидлашача, колледж жойлашган Кўштепасарой қишлоғида 12 та мактаб бор. Бунинг эса кейинги ўкув йилига қабул жараённи учун таъсири катта бўлиши аниқ. Маҳаллий аҳоли қишлоғда ана шундай мұхташам бино барпо этилганидан, бу ерда фарзандларига энг замонавий усулларда таълим



берилаётганинидан мамнун. Шу куни мөхмөнлар Андикон шаҳридаги иқтисодиёт, тиббиёт, маший хизмат ўналишидаги касб-хунар колледжларида ҳам бўлишиб, у ерда олиб борилаётган таълим-тарбия жараённи билан танишилар.

Бу ташрифларнинг аҳамияти томони шундаки, юқорида қайд этилган таълим масканларининг барчасига ҳеч бир хабарсиз, олдиндан айтилмасдан борилди. Ҳатто Избоскан туманига кетаётib, бирдан орқага қайтиб, йўлйулақай навбат билан дастлабки йили тажриба тарқасида очилган, иккинчи йилда реконструкция килинган ва янги қурилган даргоҳларга ташрифлар бунинг яққол далилидир. Ташриф буорган жойларда ўқитувчилар бир оз саросимага тушганликлари билан, озигина фурсатдан сўнг ўзларини ўнглаб олишиб, меҳмонларни илм маскани бўйлаб танишила бошлаши. Албатта, бу жойларда таълим-тарбия ишлари нафақат илм масканига келадиган «текширувчи»лар учун, балки ўша ерда таълим олаётган ва меҳнат қилаётгандарнинг исботидир.

Дарҳақиқат, бугун ҳар бир таълим муассасасида ана шундай ҳолатга эришмогимиз даркор. Зоро, бундай ташрифлар таълим мазмунини ислоҳ қилиш, ўкув муассасаларида янгича усуlda ишлашни ташкил қилиш, илғор педагогик технологияларни кўллаб, ўқитувчиларда ташаббускорлик ва ижодкорликни ривожлантиришда мұхим аҳамият касб этади.

Нурлан УСМОНОВ,
“Маърифат”нинг махсус мұхбири
Суратларда: Наманган вилоятини-
даги касб-хунар колледжлари.
Х.МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.

ҚИСКА ВА МАЗМУНЛИ КУРС

Узбекистон, Тожикистан, Туркменистан, Қозғистон, Озарбайжон, Россия, Австралия, Бразилия, Индонезия, Камерон, Хитойдан борган немис тили үқитувчилари Германиянг Мюнхен шахридаги Гёте институтыда малака ошириб қайтдик.

Курс давомида сиёсий, иқтисади, мамлакатшынослик, таълимтарбия, тишиносликка оид бир катар мавзулар юзасидан фикр алмашдик. Ахборотлар олдик. Курс иштирокчилари 4-5 кишилик гурӯхларга бўлиниб, уларга алоҳида мавзулар таклиф қилинди. Гурух аъзолари мавзу юзасидан материал йигиб, уни муҳокама қилиши, тақдимот учун тайёрладилар. Инсон, сиёсат, дин, вактдан фойдаланиш, дам олиш, уқув юргали, болалар боғчалари, мактаблар, лицейлар, гимназиялар, олий уқув юргали, қариялар ёшлилар, аёллар, ишсизлар, бошпанасизлар, кочоклар, транспорт, алоқа воситалари, шаҳар кӯчалари ва бошқа мавзулар қамраб олинди.

Масалан, "Олий уқув юрги" мавзуси 4 нафар тингловчидан иборат гурухга топширилди. Гурух аъзолари

шундай танландиди, улар немисчадан бошқа тилда мулоқот қилилмайди. Мавзу юзасидан материал туплаш учин соат вақт берилди. Бу вақт ичидаги гурух аъзоларидан бири, узаро келишилган ҳолда, институт кутубхонасида ишлаб, мавзуга оид лугат, адабиётга оид маълумотларни ўрганди. Улардан конспект олинди, нусха кучириди, институт фондо ва видеотекасидан аудио ва видеокассеталарни олди. Хуллас, назарий маълумотлар туплангач, қолган уч нафар тингловчилар турли олий уқув юргалига бордилар ҳамда профессор-үқитувчилар ҳамда талабалар билан учрашиб, уларнинг уқув шартшароитлари, имкониятлари, уқув юргали ҳақидаги ижобий ва танқидий фикрларни интервью тарзида қоғозга ҳамда магнит тасмасига тушириб олдилар. Бу билан

"Теменрещерше", яни мавзу юзасидан материал йигиши босқичи якунланди. Тупланган материал юзасидан маслаҳатлашиша бир соат вақт ажратилди. Сўнгра учничи босқич — дидактикация, яни материални тақдимот учун тайёрлаш бошланди. Тақдимот учун мўлжалланган материал катта плақатга туширилди ва кўргазмалилик

1989 йилда "Эксперимент" деб номланувчи соврининг сазовор бўлган. «Эксперимент»да нафакат Европа, балки Лотин Америкаси, АҚШ ва Осиё давлатлари ҳамда профессор-этадилар. Бу мамлакатлар "Эксперимент"нинг дунё итифоқини ташкил қилиди. Дунё итифоқи билан бир қаторда "Эксперимент"нинг Европа итифоқи ҳам фолият курсатмоқда.

Утган иккى ҳафталик курс майданида немислар ва немис ҳалқи, уларнинг машгулотлари, турмуш маданияти, урфодатлари, характеристи, қизиқишилари ҳақида кўплаб маълумотлар олишга ултурдик.

Сайдумар САЙДАЛИЕВ,
Наманган Давлат
университети
жаҳон тиллари факультети
декани

Ta'lif muassasalarida

дан ҳисобланиши сир эмас. Ҳар йили 9-синф үқувчилари фан олимпиадаларида совринли ўринларни олиб келмоқда. Үқувчилардан уларнинг устозлари ҳам

майдонда мактаб үқитувчилари мева ва сабзавот хўжаликларини барпо этишган. Бунга қўшимча турда мол чорвачилиги ҳам ташкил қилинган. Бу эса мактаб ичра муамма ва эҳтиёжларини бартараф этишда қўл келмоқда. Бунинг барчасида мактаб раҳбари Намоз Шомуродовнинг, раҳбар ўринбосарлари Норгул Ашуррова, Зулфия Рўзиеваларни чиг, үқитувчилардан Ҳиммат ва Раъно Жумаевалар, Дираббо Равшанова, Муҳитдин Абдиевларнинг катта ҳиссаси бор.

Валентина ШАРИПОВА,
Навоий вилояти ПХМОИ
бўлим мудири

қолишмайди. Улар "Етакчи-98", "Йил үқитувчisi", "Энг яхши ўқув хонаси", "Энг яхши кўргазмали қуроллар" каби ҳамда сўнгти иккى йилда "Синф раҳбари" танловларида мукофотли ўринларга сазовор бўлганлар.

Жамоа хўжалиги томонидан ажратилган 0,5 гектар

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

МАНЗАРА

Ариқлар бўйида ялпиз ниш урар,
Яйдоқ далаларда кезади сабо.
Қоя, тоғ бағридан ҳаёт югурар,
Ирмоқлар соз чалиб, куйлар дилрабо.
Хонқизи жонланар, югурар зир-зир,
Қалдирғоч ҳавога тўш уриб ҳалак.
Баъзида савалаб қолади ёмғир,
Гоҳида ёй тортар рангин камалак.
Қуёшга талпинар безавол майса,
Дилингга чўғ солар алвон лолалар.
Майдонда қийқириб югурар роса
Варрагин ортидан бир тўп болалар.
Шафтоли новдасин безар пушти гул,
Гулкоса баргода изғир болари.
Боғлар ҳам қушларга тўлади буткул,
Узоқ сафарлардан қайтишар бари...

Абдулаҳад ҮРМОНОВ,
Асака туманидаги 7-мактаб
ўқитувчиси

ОНАЖОНИМ
ҚАЙЛАРДАСИЗ-
ЭЙ?

Бу кун Сизни эслаб йигладим,
Мехрингизни қўмсаб йигладим.
Дардимни шеър айлаб йигладим,
Онаジョンим қайлардасиз-эй?
Қалдирғочлар кетдилар ташлаб,
Келаман, деб, онангни бошлаб,
Роса кутдим қўзларим ёшлаб
Онаジョンим қайлардасиз-эй?
Сизга ўхшаш аёлни кўрсам,
Дейман: "Бир бор кўлини ўпсам".
Фурбат чекиб, кичраяр жуссам,
Онаジョンим қайлардасиз-эй?
... Дардимни шеър
айлаб йигладим,
Мехрингизни қўмсаб йигладим,
Бу кун Сизни эслаб йигладим,
Онаジョンим қайлардасиз-эй?

Муҳаммадамин ИРИСҚУЛОВ,
Чорток туманидаги
39-мактаб ёшлар етакчиси

ОЛМОСТА
ТЕҢ
ҚИШЛОҒИМ

Қишлоғимда ой ботди,
Қуёши нурини сочди.
Юлдузлар чўгдек учиди,
Қишлоғимда тонг отди.

Кўм-кўк бозу рогларинг,
Мусаффодур осмонинг.
Олмосга тенг қишлоғим,
Сен менинг дур маконим.

Моҳинур ИМОМОВА,
Паркент туманидаги
11-мактабнинг 4-синф ўқитувчиси

Боғлар ҳам қушларга тўлади буткул,
Узоқ сафарлардан қайтишар бари...

Ma'rifat

ТАНИШ БОГЛАР

* * *

Изларимизни изляяпти
бу таниш боғлар,
Излар экаятмиз бағирларига,
Излайвераяпти бу таниш боғлар.

* * *

Кўзларини юмаётир тун,
Тугамоқда лаҳзалик эртак.
Мен жонимни тутатиб бўлдим
Кетмоғим керак...

* * *

Сен ёмғирда соябонсиз юришини
яхши кўрасан—
юрагингни соябон қилиб.

* * *

Сен яшани севдирдинг.
Негаям севдирдинг-а
Мен ўзимдан айришиб қолдим.

* * *

Мана бу қурғур менинг дўстим,
бу қурмагур эса ғанимим.
Сен кимимсан ахир, шубҳа?

* * *

Ширин сўзлар, бунча сулуvsиз.
Бунча ёқимтойсиз, шафқатлар,
Сизларга ачиниб кетяпман.

* * *

Мен сени севаман,
ташлаб кетма, ишқ,
Кўзимни кўзингга кўмиб қўйғанман.
Зиндон юрагингга занжирбанд қилиб,
Бир сиким жонимни
уйиб қўйғанман.

Азоб, қўйғин дейди
жонгинам қақшаб

Куйдир...куйдир ишқим,
куйиб кетайин.

Ўз дудимдан ўзим қўшқанот ясаб
Майбулат ёнига учиб етайн.

Томиримда қонмас,
қалқисин рашиким,

Суяк-суягимга сингиган тоқат.

Тотли қайноқларинг ўлдирисин,
ишқим,

Сенсиз тириклидан
кўрқаман фақат.

Кетма ишқим,
ишқ бер ишқлардан буюк.

ОЙДИННИСО,
талаба



МЕН ИККИ ХАЛҚ ФАРЗАНДИ

Мен икки халқ фарзанди, Манаснинг қони
Мавжланар вужуду томирларимда.
Лек ўзбек диёри тавалуд жойим,
Икки халқ норлари қаторларимда.

Мабодо чўлга чиқиб дала айланар бўлсанг,
Қойил қолмай илож йўқ ўзбегим дехқонига.
Ғўзалари эгатдан бош эгар қараб турсанг,
Ковун-тарвуз сайлидир марҳамат шийпонига.

Тоғу тошларда чакқон от ўйнатар қирғизим,
Овулу ўтовларда қўй-қўзлатар қирғизим.
Қизлари мешларида бийлатар қимизини,
Қирғиз оғам совчи бўлсак берармikan қизини.

Кийган қалпоқларидай қалби пок қирғизимнинг,
Бошдан тушмас дўпписи меҳрибон ўзбекистонинг.
Куда-анда бирига, биргадир ҳатто тўйи,
То абад дўст яшамоқ маслагидир ва ўйи.

Мен икки халқ фарзанди, қирғиздан бўлса қоним,
Ватаним эрур менинг жоним Узбекистоним.
Бир қўлда қўбиз билан Тўқтағул фарзандиман,
Бирида қалам билан Алишер дилбандиман.

Сайфиддин МАДОЛИМОВ,
Охунбобоев туманидаги 10-мактаб ўқитувчisi

Сен юрагимни икки ёртига
бўлиб қоқ ўртасидан ўсиб чиқ-
қан тошсан. Кўкка кўтарилига-
ни қўймаган, ерга кирғизиб
юбораётган оғирликсан. Илдиз-
ларинг юрагимга шу қадар чир-
машганки, сени юлиб ташламоқ
бўлсам, юрагим-да юлингай.
Йўқ, сени яхши кўраман дея-
ётганим йўқ. Сен шунчаки...
юрагимда юксан!

СЕН...
Томоша қила-
япти йўловчилар
Деразангга
Осиб қўйилган қўзларимни.

СЕН...
Менинг хонам совуқ,
пальтом юпқа,
Сенинг қайноқ
юрагингни ёпиниб
Жон сақлайман қишида.

СЕН

СЕН...
Чопдим кўксингга кўмилган
юрак мурдаларига туртина-тур-
тина... Бахт осмонида эдик, мен
сени сую-сую, сен қалбим ея-ея.
Бердим борим сенга, йўғим сен-
га, кўзларингдан қабр бер мен-
га!

СЕН...
Бўм-бўш ҳовучларим сен —
сукунатдан бир
томчигина севги
тиланди. Сенда
севги кў-ў-ўп эди.
Ҳаммага улашдинг. Мендан
қизғандинг-а?! Бўм-бўш ҳовуч-
ларим...

СЕН...
Қошларинг қора-қора, ҳаёт
асли дилпора, замин бурда-бур-
да, инсон ундаги яра, бунда
кўнгил нима, кўнгил нима?

Дилрабо МИНГБОЕВА,
ЎзМУ журналистика факультети 2-
курс талабаси



УМИД

Ҳали қайтиб келар
мен кутган баҳор,
Севгим, севинчимни гулларга қориб.
Висолни опичлаб қуёшим келар
Ҳижрон булутининг кўксини ёриб.
У баҳтим-баҳорим қайтиб келади,
Асов тўлқинларинг қуҷоқларида.
Менга бир қиз қўшиқ айтиб келади,
Лола аксин чизар ёноқларида.
Ҳали қайтиб келар баҳор елига
Тўш уриб ўйноқи, эрка илҳомим.
Қўшиққа айланиб баҳор келади,
Шу ёниқ ҳислар-ла яшайман мудом.
Ҳали қайтиб келар
мен кутган баҳор.
Мамараҳим ҚЎЧКОРОВ,
Нурота туманидаги 20-мактаб
ўқитувчisi



A.Barto o'z kundaligida bir voqeani yozadi. Kunlarning birida taniqli rus bolalar shoirasi Agniya Bartoga kitobxonlaridan xat keladi. Bu maktub bir oilaning taqdiri haqida edi. Qiz bilan yigit sevishib, turmush qurish arafasida yigit avtohalokatga uchraydi. Shunda u yaxshi ko'rgan qiziga endi ora ochiq bo'lishi, u o'z taqdirini o'zi belgilashi mumkinligini aytadi. Qiz yigitga o'zining sadoqatini bildirish uchun so'zlar qidiradi. Ammo bu so'zlarni hech qayerdan topolmay, bolaligida yodlagan A.Bartoning "Ayiqa" she'rin eslaydi va uni yigitga beradi. Uning so'zma-so'z tarjimasi quydagiicha:

**Ayiqa tushirib yuborishdi,
Ayiqa chaning qo'l-oyoqlarini
yilib tashlashdi,
Ammo men uni tashlamayman
Chunki u yaxshi.**

Adabiyot kuchi haqiqatdan ham beqiyos. Undagi bo'lsa murg'ak qalbni to'g'ri yo'lga boshlayotgan, unga dunyo haqida tasavvur berayotgan adabiyot kuchining mezoni qanday?

Qo'limdag'i Muhammadali Qo'shamoqovning bolalarga atalgan she'riy to'plamlarini ko'zdan kechirish ekanman, nimadadir xayolimdan shu so'zlar o'tdi. Undagi "Ertak so'zi" she'ri diqqatimni tortdi. Ertakdag'i yalmog'iz shol va ko'r odamlarni yutib ularni yana soppa-sog' qilib chiqargan mo'jizani eslagan Abubakir ismli bola yalmog'izni topish uchun ketayotganligini va undan xavotir olmasliklarni uydagilarga aytadi. Yalmog'iz esa unga kattalar hal qila olmagan muammolarni hal qilishga yordam beradi. U qo'shnining 2 bor sariq bo'lgan qizini va Orol dengizini yalmog'izga yuttirib uni yana asl holida sog'lom va nuqsonisiz ko'rishni xohlaydi.

Ha, kattalar bilan bolalar dunyo-qarashidagi farq—birining tajribasizligi, ikkinchi tomonning tajribaliligidagi. Qizig'i shundaki, aynan shu tajribasizlik beg'uborlik bilan uyg'unlashadi. Bu beg'uborlik esa bola qalbini egzu maqsad sari yo'naltiradi. Beg'uborlikning sharti—shak-shubhasiz g'alabaga, ezunglik tantanasiga va tanlangan yo'l to'g'riliqiga ishonishdir.

Bu ishonch hech qanday shubha-gumonga o'rin qoldirmaydi.

Muhammadali Qo'shamoqovning boshqa bir "Savol" she'rida "oynai jahon"da sun'iy yo'l bilan odam yaratilgan haqida ko'rsatuv berilgan kuni ro'y bergan voqeas tasvirlanadi.

**—Televizorni, o'chiring, dada!
Mening gapimga bir kiring, dada
Yasama odam, nega kerak u?**

Bu gapdan keyin kelarmi uyqu? Insoniyat uchun yangilik, kashfiyot bo'lgan yasama odam bola qalbida isyon va aks ta'sir uyg'otmoqda. Yasama odam hali qahramon uchun mavhum narsa. U sun'iy odamni yaratish jarayonini ko'rdi-ku, ammo uning fantastik ichki dunyosi bilan tanisha olmadi.

Ammo bolani quruq jarayon emas, o'ziga tanish bo'lgan narsa bilan bog'liqlik qiziqtiradi. Shuning uchun ham ular Yortiquloqning, Cheburashkaning, No'xatpolvonning, Bo'g'irsoqning, Karlson, Vinnipux, Qorqizning va yana minglab personajlarning kelib chiqishi bilan qiziqishmaydi. Chunki ana shu qahramonlar kitobxonlar qalbini o'ziga bog'lab olgan. Bola tajribasi hali unchalik katta bo'lmay, bu tajriba ko'proq uy va uy sharoiti bilan bog'liq bo'lgan voqelikkagina tayanadi. Uni

aytgan edi. Kulchasini tuyu qilib, shu bilan birga kulchasida eshik ochayotgan akasining harakatida u o'yinni ko'radi. Faqat o'yin ritmi "kulcha" so'zining ketma-ket takrorlanishida yanada kuchayadi. Savol bilan aytigan ikki qator:

**— Teshikkulcha nimasi?
— Eshikkulcha nimasi?**

esa she'rnning asosi, o'zagidek jaranglaydi. Bu so'zlar ketidan kelgan ikkinchi fikr ham go'yo bu savolga javobdek bo'ladi.

**Chidasang o'yiniga
Tuyalar qilib beray,
Tuyalarning bo'yninga
Qo'ng'iroy ilib beray.**

Agar e'tibor bergan bo'lsangiz, bu yerda asosiy fikrni olg'a suruvchi ikkitu so'z bor. Bu "chidasang o'yiniga" degan so'z. Ammo o'yin she'rda o'yin emas, yanada chuqurroq mazmunga—hayot mazmuniga egadir. Chunki bu o'yin—hayotiy lavhaning bir ko'rinishi.

Hayot bizning oldimizga qo'yayotgan muammolarga va o'yinlarga esa chidash kerak. Bola ko'z o'ngida o'yin bahonasida kamayib borayotgan teshikkulchasi uni cho'chitib yuboradi va she'r bola tilidan

BOLALKNING BEG'UBOR OSMONI

o'sha muhit, o'zini o'rabit turgan odamlar munosabati qiziqtiradi.

**Ota-onasi,
Ukasi ham yo'q.
Unga yer o'gay,
Yetti yotdir ko'k.
Yorug' dunyoga
Bo'lishmas u ham,
Kulgu-yig'isin
Bo'lishmas u ham,**

dedyi kichik qahramon yasama odamning taqdiridan xavotir olib.

Taqdir-bola tushunchasida eng yaqin odamlar mehri, g'amxo'rliqi bilan belgilanadi. Ammo M.Qo'shamoqovning "Tuya-tuya" she'rida bolakayning atrof-muhitni o'zlashtirish, unga moslashish, kattalar va hayot haqida bolalarning tasavvuri paydo bo'lishiga bir misol keltiriladi:

**Tishi chiqqan Doniyor
Tishla, bu—teshikkulcha,
Bir tishlasam—siri
Bo'ladi eshikkulcha.
—Teshikkulcha nimasi?
—Eshikkulcha nimasi?**

Kattalarning o'y va fikrlor xususiyatidan bolalarda asar ham yo'q deb ilgari ham

zavqli va beg'ubor so'zlar bilan yakunlanadi.

**Teshikkulchadan chiqqan
Eshigimni qurib ber
Teshikkulchamni yiqqan
Tuyamni cho'ktirib ber.**

Hayotning murakkab tomoniga o'yin orqali to'qnashish, murakkab va sodda, katta va kichik, yetuk va murQak tushunchalarini bir-biriga yaqinlashtirish, to'qnashtirish, qarshilashtirish, farqini ko'rsatish. Ammo bola bu hayotiy haqiqatni ham hali o'yin va sehr deb tushunadi va qalbida aldamchi hayot lavhasini tezroq tark etib, yana avalgi holatga qaytish uchun uning nazdida o'yinni boshlagan akasi—sehrgarga yalinadi. Ammo uning so'zi, ohangi nafaqat yalinish, balki buyruq sifatida jaranglaydi.


M.Qo'shamoqov — folklorchi. Shuning uchun ham uning har bir she'rida folkloering ruhi, uning usullari, kompozitsion qurilishlari, turli janlarning uyg'unlashganini ko'rishingiz mumkin. Shoirning bolalar folklor janrlariga xos bo'lgan quydagi she'ri bunga yaqqol misol bo'la oladi.

**Zokir turtdi Zohirni,
Shokir turtdi Tohirni,**

she'rdan tamomila farq qilsa ham ammo ularni birlashtirib turuvchi narsa bolaning atrof-muhit haqida tasavvuri paydo bo'la borishi, unga moslashuvdir.

Muhammadali Qo'shamoqovning folklor bilan uyg'unlashgan har bir she'ri yuqorida ta'kidlaganimizdek go'yo tar-qoqdayin ko'rinsa ham, ammo u ma'lum maqsad sari yo'naltirilgandir.

Kavsar TURDIYEVA



VATAN

**Kindik qonim
Tomgan yer,
Chiroq-ongim
Yongan yer.
Shodlik shahri—
Alla-kuy.
Mehr nahri—
Huyya-huy.
Suvlik tishlab
Oqqan suv,
Girdek kishnab,
Balqan suv.
Ona tilim—
Bulbulim,**

**Dono tilim—
Ol gulim.
Haq uyida
Ilingen,
Suv bo'yida
Silingan.
Qoratollar
soyasi —
Sho'x xayollar
Doyasi.
Shular bari—
Jon-tanim.
Shular bari—
Vatanim.**

NAVOIY

Navoiyning g'azali
Shirmoy nonday mazali.
8 yoshli Doniyorning she'ri
«Quyosh osmonga to'lib,

Navoiy bobom bo'lib
Ko'rindadi ko'zimga,
Duo berar o'zimga...
Shunday desam xolamga
Sig'may ketib olamga,

**Quchib, yelkamga qoqib,
Ko'ngli yomg'irday yog'ib
Dedi: "Ul zot g'azali
Shirmoy nonday mazali".
Buni bug'doyga aytdim,
Quyoshga, oyga aytdim,
Bug'doy kuylab,
Quyosh, Oy**

**Kun, tunga to'kdi chiroy:
"El-yurt g'amin yegan
Navoiy Xizr ekan"
Buni aytasam onamga,
Buni aytasam otamga,
Onam o'pdi ko'zimdan,
Ming o'rguldi o'zimdan:
"Un, o's, boshoq kabi to'l,**

**Bo'lsang, Navoiyday
bo'l!"
Otam tilak tiladi,
Peshonamni siladi.
Ko'nglim quvонchga to'Idi
Quyoshday qo'shiq bo'Idi.
Muhammadali
QO'SHAMOQOV**

**Сувсиз ер — мозор,
Сувли ер — гулзор**

Ўзбек халқ мақоли.


Менинг исмим Чинорой. Мен Ҳўжайли тумани Ҳамза жамоа хўжалигида истиқомат қилиман. Бувим, дадам, онам, ака-опаларим, укаларим биргаликда яшаймиз. "Қариси бор ўйнинг париси бор", - деганларидек, бувим бизлар учун шамчироқ. У доим ўзининг ўғит-насиҳатлари билан фарзандларининг ҳалол яшашлари учун йўл кўрсатади. Ҳадислардан намуналар, Аҳмад Яссавий ҳикматларидан, "Қуръони карим" оятларидан ўқиб, мазмунини тушиуниб берадилар.

Қул Ҳожа Аҳмад тоат қил, Умринг билмам неча йил. Аслинг билсанг тупроқ-гил, Яна гила кетаро.

Бу ҳикматни бувижоним кўп марта тақрорлайди ва сўзини шундай яқунлайди: "Одамзод об-сув ва гил-тупроқдан яралган. Шунинг учун тупроқдек босиқ ва камтар, сүвдөк покиза бўлинглар. Инсонларнинг чанқошини қондириб яшандагар".



ДАРЁНИНГ КЎЗЛАРИ ЁШЛАНСА...



Баъзан шўхлик қилиб сувни тўкиб-сочганимизни кўрсалар: —Болам, сувни бекорга исроф қиманлар. Вақти келиб охиратда увол қилинган ҳамма нарсанинг, ҳатто сувнинг ҳам ҳисоби бор. "Қуръони карим"-да "Еб, ичинглар, фақат исроф қиманлар", деб бекорга айтилмаган дея койиб берадилар. Сувга тупуриш ҳам гуноҳ ҳисобланар экан. Лекин айрим ҳолларда мана шу ўғитларни унудиб, меҳрибон бувимни хафа қилиб кўйиган вақтларимиз ҳам бўлган. Шунда у "Кимки нимани хор қисса, Олоҳ уни ўша нарсага зор қилиб кўяди. Инсон сув билан тирик. Сув — поклик, тириклик рамзи. Уни ифлос ва исроф қиманлар. Сувни исроф қилиб, охири Амударёни қуритдик, Оролни қуритдик. Биз ёшлигимизда дарё ўзанига симмат тошарди. Отам бизларни дарё бўйига олиб бориб, томоша қилдирган. Ўшанда у:

"Амударё, ҳайбатингга ишонма,
вақтинг келса қаро ердек бўларсан"

— деб ўйчан айтган гаплари болалик хотирамга ўрнашиб қолган. Энди билсан отам жуда доно киши бўлган экан. Унинг айтган гаплари ҳозир нақадар тўғрилигини исботлади", - дерди бувим.

Асли дарёлар ҳам одамлар каби меҳнат қиласи, гоҳо шўх, гоҳо маъюс, гоҳо сержаҳ, гоҳо юмшоқ бўлади. Агар ҳаётни хавф остида қолиб кетаётган бўлса, одамлардан меҳр-оқибат, најот кутади.

Буюк бобомиз Мұхаммад ал-Хоразмий шундай ёзди: "Билингки, дарёниг кўзлари ёшланса, унинг бошига фам, кулфат тушган бўлади. Одамлар, дарёдан меҳрингизни дариф тутманлар". Амунинг ёшли кўзлари деганда, у нималарни назарда тутди экан? Эҳтимол, дарё сувининг ортиқча исроф

бўлишини назарда тутгандир. Халқимиз тарихини Амусиз тасаввур қилиш қийин. Мана шу номни олгунига қадар дарё турли ном билан атаб келинган. Масалан, "Авесто"да Аранг, Геродот эса Акес, баъзан Аракс деб номланган. Юон тарихчилари ва географлари гоҳ Окус, гоҳ Оксос ёки Оксис деб номлайдилар. Бартольдинг фикрича, бу Ўкуз сўзидан олнинг бўйиб, сак-массагет қабилаларидан бирининг номидир. М.Қошғарий "Девони лугат-турк" китобида Ўкуз-дарё маъносида ишлатилганини тилга олади.

Амударёниг Жайхун деб номланиши арабларнинг Ўтра Осиёни босиб олиши билан боғлиқ. Ҳар бир авлод дарёниг шон-шавати ҳақида кўйлар, афсоналар тўқиган.

Шундай афсоналардан бирини онамдан эшитганинан:

"Амул исмли бир йигит бўлган. У тушида сув бўйида сочларини ёйиб ўтирган қизни кўриб қолган. Шу воқеа сабаб, Амул тинчини йўқотиби. Қизни излай бошлабди, лекин њеч қаердан топа олмабди. Охри сокин оқаётган бир

ришга сарфладилар. Ўнлаб катта-кичик сув омборлари қурилиб, обиҳаёт фамлаб олини. Натижада Оролга сув келмай қолди. Денгиз эса биздан ўпкалаб, қоча бошлади.

Орол дengизи бундан 35 минг йил илгари Турон пасттекислигига пайдо бўлган. Уни биринчи марта араб ёзувчиси Ибн Рустам (920) Орол дengизи деб атаган.

Орол кейинги 30 йилдан ортиқ давр мобайнида 15 мартача пасайди. Ҳажми ҳам қисқариб қолди. Фазабланган дengиз инсониятни оғир жазога маҳкум этди. Оролнинг қурий бошлаши оқибатида унинг қуриган қисмида миллиардлаб тонна туз ўғилиб қолган, иилига миллион тонна туз кўм бўронлари орқали шаҳар ва қишлоқларимизга, экинзорларимизга ёпирилмоқда.

Орол дengизи муаммоси умумисоний муаммодир. Яқинда Юртбошимиз И.А.Каримов Оролни қутқарувчи маҳсус кенгаш тузиш кераклиги ҳақида айтиб ўтар экан, Орол фақат Ўтра Осиё ёки Қорақалпогистоннинг эмас, балки бутун дунё муаммосидир. Ҳамма бу масалага жиддий қараши

"Тома тома кўл бўлур" деганларидек, барчамиз бирлашиб ҳаракат қилсак, Оролни қутқариб қолиш мумкин. Иншомни тутгатишдан олдиня бувимга мурожаат қилдим:

— Бувижон, Орол янга илгаригидек бўлармикан?

— Қизим. Олдиндан бир нарса дейишим қийин. Бу ёлгиз Яратганга аён.

Илгаригидек бўлмаслиги мумкин, лекин Оролни сақлаб қолиш керак. Биз сувни тежабтергашимиз керак. Иложи борича дарахт экиб, њеч бўлмаганди ҳавони тоза тутишимиз мумкин. Биз қариялар веши вақт ногозимизда юртимиға тинчлик, Юртбошимизга омонлик тиаймиз. Илоҳо Амударё ҳам, Орол ҳам тўлиб-тошиб оқсин. Шу дарё ва дengизни қутқариш учун елиб-югураётган одамлар ишига ривож берсинг, сувдай сероб бўлсинлар! Келгуси авлодимиз чўлистоңда эмас, гулистонда, буғу роғда яшасинлар, деймиз Мен бувимнинг бу гаплари

Insho

БИЗГА ИБРАТ БЎЛИНГ!

Табиатнинг инъоми, тириклигинг манбаи ҳисобланмиши сув тушунчаси инсон учун нақадар мукаддас. Сувнинг ифлосланиши, унинг инкиrozга учраши эса инсон фаолияти учун мислсиз кулфат. Лекин бу кулфатни одамзотнинг ўзи яратса-чи?

Бизнинг барчамизга: "сувни эъзозланг", "сувга қараб супурманг" каби шиорлар ёд бўйиб кетган. Аммо биз уларга амал қиламизми?

Юнусобод туманинг Хуршид кўчасидан оқиб ўтаётган, тарихимизнинг яхшию ёмон кунларининг гувоҳи бўлган Ўрда анҳори бўйлаб ҳам шундай шиорлар мавжуд. "Бу ерга ахлат ташлаганлар ахлатдек хор бўлсин", "Сувга ахлат ташламанг" ва шу каби бир қатор жарангдор гаплар... Аммо мен у ердаги сочилиб ётган ахлатларни қўриб, наҳотки, шунча одам хор бўйиб юрган бўлса, деган фикрга келдим.

Йўқ, бу фикрим ноўрин, аксинча, уларнинг ўзи хор бўлмай, ўзгаларни хор қилмоқдалар. Чунки, мана янга оз кунлардан сўнг кўёшнинг оташ тафти Заминга сочилади. Ёзинг жазирама иссик кунлари келиб, каттао кичик

Ta'kid

Ўзини салқин жойларга уради. Ҳоҳлайсизми, маън қиласизми, барибир, болалар сув ҳавзаларида, каналларда ўз чанқокларини чўмилиб қондирадилар. Энди ўзингиз ўйланг, у ерда йиллаб тозаланмай ётган қанча ахлат мавжуд!

Яна сув бўйида яшаётган маҳаллий аҳолининг болалари "машина ювиш жойи" деб каттагина эълон ёзиб қўйишиб, ўтган-кетган машина ҳайдовчиларига пуллик хизмат кўрсатишади. "Ҳа, нима? Озми-кўпми рўзгорга ишлатишга пул топиб келади", дейишингиз мумкин. Бирор, у ерда озми-кўпми эмас, машиналарнинг серқатновлигидан анчагина пул ишлаб топса бўлади. Канал бўйининг балчиқлиги, машиналарнинг турли ёғлари билан сувнинг заҳарланиши ҳақида эса автомобилларини ювдиришга келган шахслар њеч ҳам қайғуришмайди.

Биз бундай вазиятда қандай қилиб гепатитга ёки дифтерияга қарши курашамиз, қолаверса, қандай қилиб соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишмиз мумкин? Ахир, бунга ўзимиз қарши чиқмоқдамиз-ку?! Гарчи ўзимизнинг олдимиздан оқиб ўтаётган сувнинг ифлосланиши, унинг заҳарланиши ва оқибатларини ўламас эканмиз, баландпарвоз гаплар билан Орол муаммолари тўғрисида қандай бош котиришимиз мумкин?

Келинг, сиз катталар, бизга ўrnak бўлинг. Шундагина биз эртанги кунда бошқаларга ўrnak бўламиш.

Гулноза Қўйлиева, лицей ўкувчisi

керак", деб таъкидлadi.

Ҳозирги пайтда Оролни қутқариш юзасидан бир қанча ишлар қилинмоқда.

1993 йил Қозоғистоннинг Қизилурда шаҳрида минтақа давлат раҳбарлари учрашиб, Орол дengизи муаммолари юзасидан давлатлароро Кенгаш ва унинг ишчи гурухи — Икроға кўмитаси ва Оролни қутқариш Ҳалқаро Жамғараси ташкил этилди.

1994 йил Марказий Осиё давлат бошлиқларининг навбатдаги учрашуви Нукусда, 1995 йил Тошховуда бўлиб ўтди.

1997 йил февралда беш республика раҳбарлари БМТ, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар вақиллари иштирокида Алматида учрашибилар. Шу йили Марказий Осиё ҳуқумат вакиллари ташаббускорлик, сув ва атроф-муҳитга янгича дунёқарашни шаклантириш бўйича ягона экологик тузилмани қўллаб-куватлашди. Бу учрашууда GEF Агентлиги тузилди. Унинг асосий мақсади минтақамизни экологик таҳдидлардан ҳоли қилиш, Орол муаммосини бартараф этишинг стратегик дастурини ишлаб чиқиб, уни ҳаётга тадбиғ этишдан иборатdir.

Бундан қўриниб турибдики, ҳуқуматимиз раҳбарлари ва халқимиз қўл қовуштириб ўтиргани янгидан ўлаштирилган миллион-миллион гектар ерларни суво-

ишига оқкин она Жазийхуним, Сувсизликдан бағри хуним. Оролингга ёрдам қилгин, Қирғонингга қайтиб келгин. Чекиняпсан кекса Оролим, Йўқолмоқда сенсиз оромим. Мадал берсинг сенга Оллоҳим, Эзгу тилак тилар Чиноринг.

Амударё, Оролгинам! Зилол ва шўх сувларинг тўлиб-тошиб оқсин! Чор-атрофдаги гулзору экинзорлар, буғу роғлар, ўрмонларга яна жон ато этгин. Шу яхши ниятлар билан иншога якун ясамоқчи эдим. Лекин ойна жаҳонда сув муаммосига оид кўрсатув берилиб қолди. Колорадо дарёсида ҳам сув сатҳи пайт, шу ерлик аҳоли ҳам биздагидек қийинчиликларни бошидан кечирмоқда экан. Бундан кўринадики, сув танқислиги, ичимлик суви муаммоси фақат бизнинг қишлоғимиз ёки республикамиздаги на эмас, дунё миқёсидаги муаммо экан.

Чинорой ЭРКАБОЕВА, Ҳўжайли туманинг стратегик дастурини ишлаб чиқиб, уни ҳаётга тадбиғ этишдан иборатdir. 11-синф ўкувчisi, "Мен-Онам-Момом сувнинг аҳамияти ҳақида" иншолар танловиғолибаси

Darsligingizga qo'shimcha

Янги қабул қилинган дастурда (VI-синф) "Модда тузилиши" деган бўлимга (6 соат) вақт ажратилиб, бўлим "Модда тузилиши ҳақида Демокрит, Ар-Розий, Беруний ва Ибн Сино таълимотлари" деб бошланади.

Амалдаги физика дарслекларида М.В.Ломоносовнинг модда тузилиши, яъни ҳамма жасмаларнинг молекулалардан тузилганлиги, молекулалар орасида бўшлиқнинг мавжудлиги, молекулаларнинг доимий равишда тартибисиз ҳаракатда эканлиги ва улар орасида ўзаро таъсир кучларининг мавжудлиги ҳақидаги қарашларини эслатиш билан киғояланиб, унинг бу хуласалари М.В.Ломоносовнинг "Молекуларнинг кинетик назарияси", деб номланниб келинган.

Ҳақидатда эса, модда тузилиши ҳақидаги дастлабки таълимот қадим замонларга бориб тақалди. Маълумки, молекуладан кейинги навбатдаги зарралар атом деб юритилади. Қадимги Юнон олими Демокрит, атомни модданинг энг охирги бўлакчалик деб қараб, бўлиниш чегараси ана шу атомга келиб тўхтайди, деб қарайди.

Атом сўзи ҳам, юнонча "бўлинмас бўлакча" деган маънени билдиради.

Буюк мутафакир Анаксагор (500-428) ва Левкиб (500-440)-

ни тасдиқлаш билан бирга, атомдан кейинги бўлакчалар орасида бўшлиқ мавжуд бўлиб, бўлакчаларнинг ҳам ҳаммаси ҳаракатда ва у бўлакчаларнинг орасида ўзаро таъсир кучлари мавжуд деб хисоблайди. Ар-Розий ўзининг ана шу буюк қашфиёти учун атомистик назариянинг асосчиси ва отаси деган шарафли номга тамомила ҳақидир.

Ар-Розийнинг бу назарияси Беруний ва Ибн Сино томонидан кенг ўрганилиб, янада бойитилди. Беруний ўзининг Ибн Синога ўйллаган саволларидан бирида: "Баъзи файласуфлар атом бўлинмайди, ундан ҳам кичикроқ бўлакчалар йўқ деб айтадилар, бу — нодонликдир. Иккинчи гурух файласуфлар эса, атом бўлинавериади, бўлинишга чегара йўқ деб қайд киладилар. Бу эса ўтакетган нодонликдир. Чунки атомнинг бўлиниши чексиз бўлса, моддият йўқ бўлиб кетиши мумкин. Бу бўлиши мумкин эмас, чунки моддият абадийдир. Бу масалада сенинг фикринг қандай?" - деб сўрайди.

Ибн Сино ўзининг Берунийга ўйллаган жавобида устоз Арасту ва Ар-Розийнинг атомнинг бўлинавериши ҳақидаги фикрларини эслатиб, уни чексиз деб тушунмаслик кераклигини, ак-

АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ БЕҚИЁС КАШФИЁТЛАРИ МОДДА ТУЗИЛИШИ ФИЗИКА

нинг шогирди Демокрит (460-370) ўзининг атом ҳақидаги таълимотини қуйидагича таърифлайди:

1. Ҳеч нарса йўқдан бор бўлмайди, бордан ҳам йўқ бўлмайди, ҳар қандай ўзгариш жисм бўлакларининг бирикиши ва ажралишидан юзага келади.

2. Тасодифан ҳеч нарса пайдо бўлмайди, балки баъзи бир сабаб ва заруриятдан пайдо бўлади.

3. Куруқ бўшлиқ ва атомлардан бўлак ҳеч нарса мавжуд эмас. Бошқа ҳамма нарса фикрларни ташкил этади.

4. Атомлар сон ва шакл жиҳатидан чексиз бўлиб, айланма ва ёнлама ҳаракат киласди.

Бу нарса дунёнинг пайдо бўлиши ва ўзгаришининг асосий сабабларидан биридир. Демокритнинг таълимотига кўра, ҳамма жисмларнинг бир-биридан фарқи атомларнинг сонига, ўчамларига, шакл ва тартибларига бўғлиқдир. Атомлар сифат жиҳатидан бир-биридан фарқ қилмайди, атомлар ички ҳолатига эга эмас, улар бир-бириларига босим бериси ва урлиши туфайли таъсир кўрсатади.

Демокритнинг бу таълимоти инсониятнинг улуғ даҳоларидан бири қомусий олим, биринчи муаллим деб шарафланган Арастунинг ижодида яна ривожлантирилиб, атом ҳам бўлиниши мумкинлиги ва бўлинишга чегара йўклиги戈яси билан такомиллашди. Демокрит ва Арастунинг бу атомистик назарияялари Ўрта Осиё ҳалқларининг буюк мутафакирлари бўлмиш Ар-Розий, Беруний ва Ибн Синонинг ижодида яна ҳам ўзининг ҳақиқий ифодасини топди.

Ар-Розий атомнинг бўлиниши ҳақидаги Арастунинг назарияси-

синча, атомнинг бўлиниши мумкинлиги ва маълум чегара мавжудлигини қайд этади.

Беруний эса ёш олим Ибн Синога ўйллаган ўзининг эътирозларидан бирида унинг (Ибн Синонинг) устоз Арасту ва Ар-Розийнинг фикрларини тақорлагани учун бироз койиб, мустақил фикрлашга даъват этади ва кийдиш саволни ўйлайди:

"Фараз қилайлик, атом иккى бўлакка бўлинди. Бу бўлакчалар орасида бўшлиқ мавжуд бўлиб, у бўлакчалар доимий ҳаракатда ва улар орасида таъсир кучлари мавжуддир. Бу бўлинган бўлакчаларнинг ўлчами улар орасидаги бўшлиқи нисбатан неча марта катта ёки кичикилиги ҳақида фикр юритсанг яхшироқ бўлур эди", деб эслатади.

Берунийнинг бу саволини яхшироқ тушунмоқ учун водород атомининг тузилишини кўз олдимишга келтирайлик. Ҳозирги термин билан айтганимизда, атомдан кейинги бу бўлакчалар ядродаги мусбат зарядли протон билан орбитадаги манфий зарядли заррача электронни эслатади. Бинобарин, бу бўлакчалар ўчамларининг оралиқ бўшлиқи нисбатан неча марта кичикилиги масаласи ҳозирги куннинг ҳам муаммоларидан бири хисобланади.

Фан ва техниканинг бугунги ютукларида, мозийда яшаб ўтган буюк бобоколонларимизнинг заҳматли меҳнатлари ётганини бир дам ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Инсоният, бу улуғ алломаларимизнинг буюк хизматларию ажойиб қашфиётлари олдида ҳамиша қарздор бўлиб қолаверади.

Т.УСМОНОВ,
профессор

КРИМИНОГЕН ТУРДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР

2-ДАРС

Ўйга қайтгач, кўча эшик очиқлигини кўрдингиз дейлик. Қандай ҳаракат қилиш лозим деб ўйлайсиз?

• Агар ўйга қайтгач, кўча эшикни очиқ ҳолда кўрсангиз, ўйга киришга шошилманг. Ўйда жиноятчи бўлиши мумкин эканлигини ёдда тутинг.

• Аввал ичкаридан но-

таниш овоз, товушлар эшилмаяптими, қулоқ тутиб кўринг. Агар таниш овозни эшилсангиз, ўйга кириб, ўйдагиларга кўча эшик очиқ қолганлигини айтинг.

• Агар ўйда тинчлик бўлса, хушёр бўлинг: жиноятчи яширинган, ҳужумга тайёрланган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам аввал эшик ва қулфлар бутун эканлигини текшириб кўринг.

• Агар эшик қулфи бузиб очилмаган бўлса, қўшниларни чакириб, ўйга бирга киришларини илтимос қилинг.

• Ўйга кира туриб, эшикни ланг очиқ қолдиринг. Ўйда ҳеч ким йўқлигини текшириб кўргачгина қимматбаҳо буюмлар жойидами ёки йўқлигини, шкафларнинг эшиги очиқ ёки ёпиқлигини текшириб кўринг.

• Эшик қулфи бузиб очилган бўлса, ўйга кириш керак эмас. Қўшниларга ёрдам сўраб мурожаат қилиш, тезликда милиция ходимларини чақириш, улар етиб келгунга қадар ўйни кузатиб тuriш керак.

• Ўйнингизда нотаниш кимсалар буюмларни кўтариб чиқаётганини кўргач, улар ёнидан хо-

тиражам ўтиб кетиши ва белгиларини эслаб қолиб, қўшниларни милицияга қўнгироқ қилиш лозим.

Ўйга кириб у ерда бегона-ларни кўрдингиз дейлик:

• тезликда ўйдан қайтиб чиқиб, калитни чиқармай кўча эшикни ташқари томондан қулфлашга ҳаракат қилинг.

• Қўшниларга ёрдам сўраб мурожаат қилинг ва милиция ходимларини чақиринг.

• Ўйдан чиқишига улгурмасангиз, босқинчиларнинг чиқиб кетишиларига тўқсинглик қилманг. Уларнинг иложи борича кўпроқ белгиларини эслаб қолишига ҳаракат қилинг.

• Сизга ҳужум қилишса, "Ёнғин" деб ёрдамга чақиринг. Одамлар бу чақириқка ўғри деган чақириқка нисба-

т. Бегона машиналарга ота-онангизсиз ўтиранг.

• Лифтга бегона одам билан бирга кирманг.

• Орқангизда бегона одам турган бўлса, кўча эшигини очиб, ўйга кирманг.

• Дуч келган одамдан сөвға ва егуликлар олманг.

• Агар бирор кимса сизга нисбатан бирор хотүри ҳаракат қилаётган ва сизни қўрқитаётган бўлса, ота-онангизга яширмай айтиб беринг.

• Ўз исмингизни кийимларингизга, буюмларингизга, қўлингизга ёзуб қўйишини одат қилманг.

Босқинчилар ҳужум қилинганда одам ўзини қандай тутса тўғри бўлади?

Агар қочишнинг иложи бўлса, тезликда қочиш лозим.

Шундай йўл танлаш керакки, бу йўл сиз учун қулай ва аксинча босқинчилар учун нокуладай бўлсин (сув, кўлмак, буталар орасидан ва ҳ.к.)

Агар босқинчилар билан юзма-юз келмасликнинг иложи бўлмай қолса:

— кўча талончисининг биринчи талаби биланоқ пулингизни унга беринг;

— сумкангизни юлиб олишига ҳаракат қилаётган бўлсалар, уни ўзингизга тортманг;

— тортишманг, босқинчилик ҳаракатларига жавоб берманг, секин, аммо ўзингизга ишонч билан гапиринг.

Энг муҳими, шуни ёдда тутиш лозимки, ҳаётингиз ва соғлиғингиз ҳар қандай буюмдан ҳам қимматлироқдир. Мақсад: кўнгилсиз ҳолатдан чиқиб кетиш, асло олишувда енгиш эмас.

Заҳро ИЛЁСОВА,
Фуқаро муҳофазаси
институти ўқитувчisi

O'zimizni o'zimiz asraylik!

тан тезроқ ёрдамга шошилдилар.

• Ўғрилар кетиб улгурисса, у ҳолда милиция ходимлари келгунларича ўй ичидан юрманг, буюмларга қўлингизни теккизманг ва бошқаларнинг ҳам ўйга киришларига йўл қўйманг.

Нафақат ўйда, балки ўйдан ташқарида ҳам ўзимизни муҳофаза қилиш қоидаларини билиб қўйсак, уларга амал қилиб яшасак, ёмон бўлмайди:

• Ҳаётингиз ва соғлиғингизга хавф солиши мумкин бўлган вазиятларга тушиб қолишдан ўзингизни сақланг.

• Кўчада қоронғу тушгунча ўйнаманг.

• Узоқ ва кимсасиз жойларга бир ўзингиз борманг.

• Нотаниш одамлар билан бирга юрманг, уларнинг вадаларига учманг.

**БЎШ ВАҚТ –
ХУШ ВАҚТ**

Акмал Икромов туманидаги 107-мактабда мактаб, маҳалла, оила ҳамкорлиги қайдаражада бораётгани, ўкувчиларнинг дарсдан ташқари буш вактларини мазмунли ўқазиси, уларнинг қобилиятларини шакллантириш мақсадида ташкил этилган тадбирда мактаб ўкувчилари ҳам катта кизикиши билан иштирок этилди.

Тадбирда "Ёшлик" клуби туманидаги тайёрланган рақс, интермедиа, ўқувчиларни дарсдан ташқари буш вактларини мазмунли ўқазиси, уларнинг қобилиятларини шакллантириш мақсадида ташкил этилган тадбирда мактаб ўкувчилари ҳам катта кизикиши билан иштирок этилди.

Туманидаги 9 та мана шунақа клублар турар жойларда ташкил этилган, шулардан бири, мана, "Ёшлик" клубида бичиши-тиши, гул яшаш, шахмат-шашка, стол тенниси, багмитон тўғараклари мавжуд. Ўкувчиларнинг кўплилиги шу клубга келиши мөмкун. Бунга, албатта, клуб раҳбалари Людмила Чучиеванинг меҳнатлари сабаб бўлмоқда, – дейди ХТБ мудири Шукрулло Икромов.

Мактаб, маҳалла, оила ҳамкорлигида ўқазиси ҳаракат қилаётган бунақа тад

LESSON 3

УНЛИ ҲАРФЛАРНИНГ ЎҚИЛИШИ.

Ўтган дарсизизда айтганимиздек, бир ҳарф ҳар хил талаффуз қилинади, яны сўздаги ўрнинг қараб турлича ўқилади. Унли ҳарфларнинг асосан 4 хил ўқиш тартиби мавжуд. Келинг аввал унли ҳарфларни санаб ўтамиш:

a[ei], e[i:], i[ai], o[ou], u[ju:], w[wai].

Маълумки, сўзлар бўйинларга бўлинади ҳамда улар бир ва ундан ортиқ товушлардан иборат бўлади.

Агар бўйин унли ҳарф билан тугаса, у очик бўйин деб аталади. Масалан, he[hi:], go[gou], make'[teik].

Демак, эслаб қолинг, агар унли ҳарф очик бўйинда бўлса, у ҳарф алифбодагидек ўқилади. А ҳарфини олайлик. Хўш, А ҳарфи алифбода қандай ўқилади? Ҳа, тўғри [ei]—Эй деб ўқилади. Демак, бу ҳарф очик бўйинда келса алифбодагидек талаффуз қилинади. Сўзлардан мисоллар келтирамиз: same, late, pale ва хоказо. Улар [keim]-Кейм, [leit]-лэйт, [reil]-пэй.

Худди шу тартибда қолган унлилар ҳам ўқилади.

a[ei]

1. bake	[beik]	тандир
2. hale	[heil]	соғлом
3. name	[neim]	исм
date	[deit]	сана
pace	[peis]	қадам
face	[feis]	юз
lane	[lein]	йўлак
race	[reis]	ирк
game	[geim]	ўйин
male	[meil]	эркак
sale	[seil]	савдо

o[ou]

1. bone	[boun]	сук
2. so	[sou]	шундай
3. hole	[houl]	тешик
hope	[houp]	умид
rope	[roup]	арқон
pole	[poul]	устун

ИНГЛИЗ ТИЛИ
САБОҚЛАРИ

no	[nou]	йўқ
alone	[loun]	ёлғиз
tone	[toun]	оҳанг
note	[nout]	ёзув
mode	[moud]	ҳолат
vote	[vout]	овоз

e[i:]

1. be	[bi:]	бўлмоқ
2. lead	[li:d]	бошламоқ
3. read	[ri:d]	ўқимоқ
deal	[di:l]	бўлмоқ, тарқатмоқ
meet	[mi:t]	учратмоқ
see	[si:]	кўрмоқ
feel	[fi:l]	сезмоқ
need	[ni:d]	муҳтоҷлик
tea	[ti:]	чой
heel	[hi:l]	товон
peak	[pi:k]	уч, чўққи
veal	[vi:l]	бузок гўшти

i [ai] ва у [wai] ҳарфлари очик бўғинда [ai] деб ўқилади. Масалан,

1. bite	[bait]	тишламоқ
2. mile	[mail]	масофа
3. side	[said]	томон
dine	['dain]	тушлик қилмоқ
nine	[nain]	тўққиз (9)
time	[taim]	вакт
fine	['fain]	яхши
pike	[paik]	найза
vine	[vain]	ток новдаси
like	[laik]	ёқтиримоқ
ride	[raid]	сайр
kite	[kait]	варрак

1. by	[bai]	орқали
2. dry	[drai]	куруқ

Malaka oshirish

чилари Дилфуза Фозилова, Тамила Собировалар Италиянинг Перужа университетида ўз билимларини ошириб келганликлари ҳақида фикр алмашдилар. Талабалардан Арина Темирбаева, Наргиза Салоҳиддиновалар ҳам Италияда З ой давомида ўқиб билим олганликларидан хурсанд эканликларини айтишиди.

Жованна Виале раҳбарлигида яна бир хайрли тадбир — «Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш» мавзуидаги конференция ҳам ўтказилди. Илмий-услубий манбалар таҳлили шуни кўрсатмоқда-

ки, узлуксиз таълим асосан услубий маҳкамалар ходимлари томонидан амалга оширилди. Услубий ишлар мазмuni эса асосан педагог ходимларнинг назарий, амалий фаолиятларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган мақсаддан ва тизимили ишлар мажмуасидан иборат. Яъни услубий маҳкамалар педагогик ходимлар билан ишлар режасини ишлаб чиқади, уни амалга оширади, педагогик ходимларнинг илмий-услубий тайёргарлигини таҳлил этиди ва уни янада токомиллаштириш чора-тадбирларини кўради.

Биз юқорида малака ошириш курси тингловчи-лари билан хорижлик мутахассисларнинг ҳамкорликда қўллаган тадбири ҳақида фикр юритдик. Ўйлаймизки, бу тадбир ўз самарасини беради.

**М. ЖАББОРОВ,
Самдчи ҳамака ошириш
факультети декани,
доцент**

3. lie	[lai]
dye	[dai]
my	[mai]
cry	[krai]
fly	[flai]
rye	[rai]
sky	[skai]
outlying	[autlain]
try	[trai]
ply	[plai]

кулли сув (ювиш учун)
бўямоқ
менинг
иғламоқ
пашша
жавдари буғдой
осмон
олис
ҳаракат қилмоқ
бажонидил ишламоқ

u [ju:] -ю: ҳарфидек ўқилади:

1. due	[du:]	керакли
2. cue	[kju:]	бильярд кийи
3. dune	[du:n]	кумтепа
fume	[fju:m]	тутун
huge	[hju:dʒ]	улкан
tune	[tju:n]	кўй
tube	[tju:b]	труба
super	[sju:rə]	энг
use	[ju:z]	фойдаланмоқ
pupil	[pu:pil]	ўкувчи
mute	[mu:y:t]	соқов

Топширик: биринчи ва иккинчи устунчадаги сўзларни ўқинг ва учинчи устунчадаги сўзларнинг транскрипциясини ўзингиз ёзинг ва унинг тўғрилигини алифбо орқали текширинг.

Демак, дарсизизга хулоса ясаймиз. Очик бўғинда а ҳарфи [ei] деб, name;

о ҳарфи [ou], sole;

е ҳарфи [i:], be;

и ҳарфлари [ai] nice, by;

у ҳарфи [ju:] due деб ўқилади.

Биз юқорида кўриб чиқсан ўқиш тартиби — биринчи тур ўқиши деб аталади. Унли ҳарфларнинг талаффузини яхши ўрганиб олишингиз учун бир неча машҳуларни бажарамиз.

Good bye!

1. make сўзидағи «е» ҳарфи «Гунг» ҳарф дейилади, чунки инглиз сўзлари е ҳарфиди тугаса, одатда бу ҳарф ўқилмайди.

КЎЗЛАРИМ
ЙЎЛИНГИЗДА...

«Кўш ўясида кўрганини қилали» деганларидек, ҳар бир оиласа үзига хос тартиб, үзига хос турмуш тарзи, үзига хос... тарбия мавжуд.

Шуни эътироф этиш керакки, услубий ишларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар қанчалик олиб борилмасин, ҳозирги кунгача унинг ягона, илмий асосланган модели ҳақида аданбийётларда аниқ маълумот топиш жуда қийин. Узлуксиз таълимни ва айниқса,

шина ҳамакорликнинг ҳамма ўқувчи бир хил қабул қиломайди. Бу — ўқитувчи фолииятида исботланган тажриба. Биз мактабда ота-оналар билан ҳамкорликнинг энг одий кўриниши бўлган ота-оналар мажлисли ҳақида фикр юритдик.

Биз мактабда ота-оналар билан ҳамкорликнинг энг одий кўриниши бўлган ота-оналар мажлисли ҳақида фикр юритдик.

Бозланғич синфларда бу жараён анча йилдан бери бир хил кечади. Синф раҳбари мажлис бўлалиган куни ўқувчининг сумкасини олиб қолади. Ўқувчини эса оғоҳлантиради: «ота-онанг келмаса, сумканг шу ерда қолади, ўзини ўқувчи!». Агар бу усул ҳамкорласини беради, ўзини ўқувчи! Азиз, ота-оналар, келинг, бу ҳақда биргалашиб ўйлаб кўрайли.

«Нима қилин? Қандай йўл тутса, мажлисга ота-оналарнинг барчаси етиб келишади» унинг дардини эшишилади.

Юқори синфларда эса яна бир аянчи манзарани учратамиз. Ўқитувчи узун рўйхатга ўқувчиларнинг исми-фамилиясини ёзди ва кўл қўйдиди: «Фалон куни мажлис бўлади, эшидингми?», «Эшидим!», «Ота-онангни оғоҳлантири!», «Оғоҳлантираман!».

Чироили қилиб ёзилган таълифномаларга кўпчилик ёки тарбиясида бурилиш ясаши мумкин. Фидойи ўқитувчилар - тарбиячилар бутун салоҳиятларини ана шу ишга сарфлайди. Демокчиманки, ўқитувчи қанчалик альо даражада билим ёки тарбия бермасин ана шу нодир неъматни ҳамма ўқувчи бир хил қабул қиломайди. Бу — ўқитувчи фолииятида исботланган тажриба.</p

ВАЙРОНКОРЛИККА ЖАВОБ

Ағонистондаги Толибон ҳаралаты мамлакатдаги ноисломий ҳайкаларни йўқ қилиш режасининг учдан иккى қисмни бажариб бўлган. Толибларни бу хилдаги ишлардан қайтариш учун мамлакатга ташриф буюрган БМТнинг маҳсус вакили ҳам мұваффакиятсиз орта қайтган. БМТдаги толибон вакили Саид Раҳматилло Ҳошимий фикрига кўра, ҳайкаларнинг бузуб ташланиши 1992 йили Ҳиндистондаги ислом динининг қадимий масжидларидан бирининг вайрон этилганлигига муносаб жавоб бўла олади.

ЁСИР АРОФАТНИ АЙБЛАДИ

Бош вазир Ариэль Шарон Истроил шимолидаги Нетания шаҳрида бўлган террорчилик хуружида Фаластин раҳбари Ёсири Арофатни айблади. Унинг фикрича, дея хабар беради Франс-Пресс агентлиги, Ё.Арофат бу портлашини олдиндан билган экан. Мазкур фожеа оқибатида 4 киши ўлган ва 50 киши ярадор бўлганди.

Бундан ташқари А.Шарон ҳозирда тузадётган ҳукумат раҳбарияти Истроил ҳалқининг ҳавфсизлигини таъминлай олишини таъкидлаган.

ЭЛЧИХОНА ОСТИДАГИ ЙЎЛАК

АҚШ маҳсус хизматининг собиқ ва ҳозирги ходимлари Вашингтондаги Россия элчи-

ЕР ЮЗИДА

хонаси остида маҳфий ер ости йўлаги борлигини тасдиқламоқдалар. Маълум бўлишича, мазкур йўлак собиқ СССР даврида радио тўлқинларни ушлаш мақсадида курилган бўлиб, унга электрон жосуслик ишларини олиб борища керак бўладиган жиҳозлар ўрнатилган экан, дея хабар тарқатди “Новости” ахборот маҳкамаси.

КОНТРАБАНДА БИЛАН ШУГУЛЛАНГАН

Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевичнинг ўғли, 26 ёшли Марко Россияда яшириниб юрибди. Маълумотларга кўра, у ҳозирда Иркутск шаҳридаги меҳмонхоналардан бирида бўлиб, 20 нафар соқчи томонидан кўрикламоқда. Ўз навбатида, Белград матбуоти эса Марко Милошевични курол-яроғ, нефть ва тамаки маҳсулотлари контрабандаси билан шуғулланганликда айблаяпти.

ИСЁНЛАР ТЎЛА БОСТИРИЛДИ


Бразилияниң маҳсус кўрсатмаларни баҳарувчи ҳарбий кучлари жанубий қамоқхоналарда қарийб бир ой давом этган исёнларни тўла бостиришга эришдилар. Маҳбуслар томонидан гаровга олинган 5 нафар полициячи ҳам озод этилди. Бўлиб ўтган тартибсизлик ҳаракатларида 800 дан ортиқ маҳбус иштирок этиб, ўзлари ясаган қўлбола пичоқ ҳамда турли хил совуқ ашёлардан фойдаланганлар.

АЛОҚА ЎРНАТИШГА УРИНМОҚДАЛАР

Америка мутахассислари 29 йилдан бўйен фазода учиб юрган “Пионер—10” ҳаво кемаси билан алоқа ўрнатишга уринмоқдалар. 11 миллиард километр узоқликдаги мазкур станция ҳозирда Савр буржига мансуб Аль-деборон юлдузи томон ҳаракат қилмоқда, дейилади ИТАР-ТАСС агентлиги хабарида.

ТОВУШ ТЕЗЛИГИНИ ЕНГМОҚЧИ

Асошиэйтед-ПРЕСС агентлиги хабарига кўра, Австралия фуқароси 37 ёшли Родда Миллер 40 километр баландликдан парашютда сакрашга тайёргарлик қўрмоқда. Агар сакраши мұваффакиятли кечса, Миллер ташки ёрдамсиз товуш тезлигини енгланган биринчи инсон бўлади. У ўз режасини бир йилдан сўнг, фазогирлар кийимини кийган ҳолда амалга ошироқчи.

ҚОН ГҮРУҲИГА
ҚАРАБ ТАШХИС

**Олимларнинг айтишича,
одамларнинг қандай касал бўлиши
қон гурӯҳига боғлиқ экан**

яна бир нарса эса лари:

ошқозон яраси, 12 бармоқли ичак яраси, гастритлар, ошқозон-иҷак йўли касалларининг оғир шакллари, эмизики чакалоқлар яра-тошмали юқумли касаллар ва барча юқумли касалларга осонроқ чалинади.

Иккинчи гурӯҳ қон эгалари:

ревматизм касалларни, қандли диабет, юракнинг ишемик хасталиги, кўқсов(астма), аллергия, кўз касалларни (лейкозлар), ўт пуфагига тош тўпланиши, ўт пуфагининг ялигланиши каби касаллар билан оғришади.

Учинчи гурӯҳ қон эгалари:

зотилжам (пневмония), жарроҳлиқдан сўнг инфекция кучайиши, аёлларда - кўкрак безларининг ялигланиши(мастит), тушидан кейинги асоратлар, радикулит, остеохондроз—би-

лан касалланишади.
Тўртинчи гурӯҳ қон эгалари:

ангина, гайморит, юрак хасталиклари, грипп ва бошқа юқумли касаллар билан курашиб яшашига тўғри келади.

Бу тадқиқотлар инсоннинг қони қайси гурӯҳга мансуб бўлса, у юқоридағи касаллар билан, албатта оғриди, дегани эмас. Фақатина уларда бу касаллар билан курашиб яшашига тўғри келади.

Япон мутахассисларининг хуласасига кўра, инсон қони унинг рухиятига ҳам бевосита боғлиқ экан. Яъни биринчи гурӯҳ қон эгалари ўзига ишонган, жасур бўладилар. Ўз мақсадлари йўлида хеч нарсадан қайтишмайди. Аммо ўз-ўзига хаддан ортиқ ишониш уларга доимо ҳалакит беради.

Иккинчи гурӯҳ қон эгалари:

зотилжам (пневмония), жарроҳлиқдан сўнг инфекция кучайиши, аёлларда - кўкрак безларининг ялигланиши(мастит), тушидан кейинги асоратлар, радикулит, остеохондроз—би-

XXI АСРГА ЕТАДИ

Бундан 100 йил илгари дунёда 21,2 млн. тонна нефть қазиб олинган. Шундан ярмидан кўп Россияда қазиб олинган. Аммо ҳақиқатда “нефть тараққиёти” бензинли автомобилнинг яратилиши ва 1908 йилда Яқин Шарқ Эронидаги Масжиди Сулаймонда биринчи йирик нефть конининг очилишидан бошланган. Шундан кейинги 50 йилда топилган нефти ҳисоблаш мушкул. Хуллас, бугун дунёдаги нефть ҳажми қанча ва у қачонгача етади?

Сўнгги ҳисоб-китобларга кўра, дунёдаги нефть заҳиралари ҳажми 486 млрд. тоннани ташкил этган. Бугунгача шундан 121 млрд. тонна нефть қазиб олинган. Очиқ конларда ҳали 160 млрд. тонна нефть мавжуд, 205 млрд. тоннасини эса топиш керак бўлади (Истикболли режалар асосида).

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари нефтга энг бой ҳисобланади. Улардаги хом ашё бутунжаон заҳи-

расининг 37 фоизи ёки 182 млрд. тоннани ташкил этади. Бу борада МДХ давлатлари 2-ўринни эгалайди. Шимолий Америкадаги заҳиралар бутундунё нефть ресурсларининг бор-йўғи 9 фоизини ташкил этади.

2000 йилда жаҳонда 3,7 млрд. тонна нефть қазиб олинди. Шу суръатда қазиб олинганда мавжуд нефть заҳираси 40 йилга етади. Бу, албатта, дунё бўйича ўрта ҳисобда олинганда. Аммо ҳар бир мамлакатнинг ўз заҳиралари ва эҳтиёжлари мавжуд. Шундан келиб чиқиб, тараққий этган давлатлар нефти үз заҳиралари ва олинди. Шундан кейинги 9 йилга етади. Режали иқтисодиётли давлатларга (Россия, Хитой ва башқалар) ҳам 31 йилга етади.

Агар кўплаб янги конлар очилаётгани ҳисобга олинса, (заҳиралар ўсиши ҳар 10 йилда 3 фоизга ўсади) ишонч билан айтиш мумкин: нефть XXI асрга етади.

НЕФТНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

1970 йилда нефть баҳоси 1 баррелга (159 литр) 1,8 доллар эди. 1973 йилда Сурдия ҳамда Миср Истроилга ҳужум уюширади. Бунда АҚШ Истроилга ҳарбий ёрдам кўрсатади. Шундан сўнг бир қатор араб давлатлари АҚШ ва бошқа давлатларга нефть эмбаргосини жорий этди. Биржадагилар ваҳимага тушишди ва декабрь ойи ўрталарига бориб нефть баҳоси баррелига 17 хатто 22 долларга кўтарилиб кетди. Шунда ОПЕК нефть баҳоси баррелига 11,35 доллар атрофида бўлиши тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Шундан бошлаб нефть баҳоси иқтисодиётнинг умумий ўсишига

қараб йилига 3-4 фоиз ўсиб борди.

Бугунги кунда Яқин Шарқда кескинлик, нефть талаб қилинганидан кўп сотиб олинаётгани туфайли нарх юқори нуқтага етган. 2000 йилнинг июнь ойидаги нефть баҳоси 28,6 долларга етди. Бу ОПЕК белгилаганидан (баррелига 22 — 28 доллар атрофида) ҳам кўп. Шунга қарамай, Халқаро валюта фонди 2001 йилда жаҳон бўйича 1 баррель нефтнинг баҳоси 23 доллар, 2002 — 2005 йилларда эса 22,2 — 22,7 доллар атрофида бўлишини таҳмин қилмоқда.

Воҳид БОЙМУРОДОВ
тайёрлади.

ТРОТУАРЛАР
ТАҚСИМЛАМОҚДА

Лондоннинг энг йирик савдо кўчаси — Оксфорд-стритда йўл четидаги йўлаклар яқинда пиёдалар ҳаракатланиши учун қулай қилиб, қизил чизик чизирилаб, иккى қисмга ажратилади. Биринчи қисмда туриш, чекиш, тамадди қилиш, пештакталарни томоша қилиш мумкин. Иккинчи қисмда эса ҳаракатланиши тезлиги соатига беш километрдан кам бўлмаслиги лозим. Бу ерда чекиш, телефонда гаплашиш каби ҳаракатлар таъкиланади. Коидабузар 10 фунт стерлинг жарима тўлаши керак бўлади. 30 нафар инспектор пиёдалар ҳаракатини назорат қилиб туради. Гап шундаки, йилига Оксфорд-стритга 9 миллион нафар сайдё ташриф буюради. Бу пайтларда кўчага 60 минг киши тўпланиб, бу ўзига хос муаммони вужудга келтиради. Энди эса шошган одам Оксфорд-стритга қараб юриб эмас, югуриб бориши ҳам мумкин. Йўлга кетадиган вақт тежалади.

НУРЛИ ДИЛЛАРНИ УЛУГЛАЙЛИК

Мана ўлкамизда қиш фасли ўз поёнига етди ва ўз ўрнини фасллар келинчаги бўлмиш баҳорга бўшатиб берди. Баҳор — бу қалбларни қалбларга боғловчи, дилларни дилларга пайванд этувчи сеҳри фаслдир. Баҳорнинг илк кунларидан оларимиз бил мунис оналаримиз, дилбар опаларимизу жажжи сингилларимизнинг азиз ва қадрли байрамини нишонлаймиз.

Аёл... Инсоният қалбидан тараулувчи бу биргина илиқ сўз замирауда олам-олам маъно мужассамлашган. Аёл — бу қалби пок инсон, ўта раҳмдил

ва ўз ўрнида ўта қатъиятли зот. Аёл — онадир. Мен оналаримизни жаҳон узра зиётаратадиган күёшга ўхшатгим келади. Күёш ўзининг илиқ нурлари илиқ нурларни бизларга улашиб асло چарчамайдилар.

Аёл қалби энг олижаноб ҳакам, энг яхши дўст. Күёшсиз гуллар очилмайди, севгисиз баҳт йўқ, аёлсиз муҳаббат йўқ, онасиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам бўлмайди.

Биз оналаримизни асраб-авайлашимиз зарур. Уларни, керак бўлса, бошимизда кўтариб юрмоғимиз даркор. Шуни унутмаслигимиз лозимки, биз оналаримиз чехрасидан ҳам ҳамиша нур

ёғилиб туради. Күёш ўзининг илиқ нурларини олам узра тафатиб асло چарчамагани каби оналаримиз ҳам ўзларинг мөхр нурларини бизларга улашиб асло چарчамайдилар.

Биз оналаримизни асраб-авайлашимиз зарур. Уларни, керак бўлса, бошимизда кўтариб юрмоғимиз даркор. Шуни унутмаслигимиз лозимки, биз оналаримиз чехрасидан ҳам ҳамиша нур



лан қандай муомалада бўлсан, келажакда бизнинг фарзандларимиз ҳам биз билан шундай муомалада бўлишади. Инсондаги барча гўзаллик

куёш нурлари она меҳридан эканлигини унутмайлик.

**Эркинжон ФАЙЗИЕВ,
ТДИУ қошидаги академик
лицей ўкувчиси**

Пул топиш осон эмас. Меҳнат орқали топилган пул эса, албатта, сарфланади. Пул топишни барча мушкул иш деб ҳисоблади. Пул сарфловчи кишилар ва оиласар ҳам турли тоифаларга бўлинар экан.

Гарб олимларининг фикрларига кўра, оиласарни пул сарфлашларига қараб уч тоифага ажратиш мумкин. Биринчи тоифа оиласарда эр хотин баравар меҳнат қилади, шунингдек улар бир ойлик сарф-харажатни олдиндан режалашиб, келишиб қиласилар. Иккинчи тоифа оиласарда эса умумий маблаг ўйланмасдан, тартибсиз сарф

ОИЛАДА КИМ КЎП ПУЛ САРФЛАЙДИ?

етилади. Пул масаласидаги жанжал ва тўполонлар ҳам аксарият мана шундай оиласарда юз беради. Учинчи тоифа оиласарда эса фақат эркак киши меҳнат қилади ва у рафиқасининг пул сарфлашига ўтиб бераб ҳам ўтирайди. Айтиш мумкинки, бундай оиласарда пулнинг, тўғрироги, пул сарфининг унчалик аҳамияти йўқ.

Учинчи тоифа оиласарда аёл киши ўйда ўтирганини учун ўзида

Tadqiqot

керакли пулни сўраб ўтирайди. Эркак киши унинг харажатлари учун қанча пул керак деб ҳисобласа ўшанча миқдорда маблаг беради. Кўп ҳолларда бу пуллар аёл киши ўйлаганидан кўпроқ бўлиб чиқади. Яна шундай оиласар борки, уларда эркак киши пул сарфлашни билмайди. Шунинг учун бу оиласарда сарф-харажатлар ҳисобини чиқариш аёл кишининг зимасига тушади. Шуниси қизиқки, деб айтишади тадқиқотчилар, аёл киши

томонидан қилинган харажатлар кўп ҳолларда ўринисиз эмас экан. Бу жараён тартибли кечаркан.

Бу гарб мутахассисларининг фикри, албатта. Ўзбек оиласарида ҳам аёллар сарф-харажатни ўрнига қўйишаади. Режали аёлларимиз кундалик озиқовқат, кийим-кечаклардан ортириб, ўхши кунимга ярар деган мақсадда сандиқка солиб қўйишига ҳам нимадир хариц қилишиади.

Сарфайиб кетган ваннани ош тузи ёрдамида янги ҳолга келтириш мумкин. Туз билан тозалаб бўлгандан сўнг, скипидарга ботирилган латта билан артасиз.



ТУЗ ҲАҚИДА БИЛГАНЛАРИМИЗ

Машхур фожея "Қирол Лир" асарида қиролнинг кичик қизи отасини "Сизни туздек ўхши кўраман" деб айтганлигини биласиз. Яна худди шу сўзи учун хукмдор томонидан бадарга қилинганини ҳам.

Умуман, ҳамма ҳалқлар ва элатларда туз жуда қадрланган, эъзозланган. Сабаби ҳаммага маълум. Туз биз тановул қиласиган барча озиқ-овқатларга маза киритади. Таомларни ширин киласи.

Ўзбек ҳалқида ҳам "Бир кун туз ичган жойинга кирк кун таъзим қил", "Тузини ичиб, тузлигига тупурма" каби бир қатор ибратли гаплар бор. Лекин бугун биз тузни фақат таом сифатида эмас, балки озодалиқда қўлланиладиган восита сифатида ҳам биллиб оламиз.

*Сарфайиб кетган ваннани ош тузи ёрдамида янги ҳолга келтириш мумкин. Туз билан тозалаб бўлгандан сўнг, скипидарга ботирилган латта билан артасиз.

*Намакобда ювилган исмалоқ тоза ва янги узилгандек ҳолга келади.

*Автомобил ойналари терламасин дессангиз, докага ўралган нам туз билан арting

*Куйган кастрюлни асл ҳолига келтириш учун унга шур сув солиб қўйинг. Бир кундан сўнг шу шур сувни қайнатиб, кастрюлни тозалашингиз мумкин.

*Гилам ва суратли газламаларни куюқ туз суюклиги билан хўлланган губка ёрдамида тозалаган маъкул.

*Агар ювенишдан аввал ваннага бир неча чимдим туз ташлаб қўйсангиз, ювингандан сўнг қушдек енгил тортасиз.

*Сайқалланган мебелларни иссик нарсалар таъсиридан сақламоқчи бўлсангиз, туз ва ўсимлик мойи аралашмаси тайёрлаб, мебелга пуркайсиз. Икки соатдан сўнг аралашмани юшшоқ латта билан артасиз.

*Намакобда ювилган исмалоқ тоза ва янги узилгандек ҳолга келади.

Kakaoli Tort



8 дона тухум, 140 грамм шакар упаси, 140 грамм сариёғ, 140 грамм майдаланганд ғёнғоқ, 30 грамм какао, 1/2 чой қошиқда туйилган долчин, лимон пўсти, 60 грамм ун.

Ичига суртиладиган масаллиқ: ярим стакан сут, 10 грамм ун, 2 дона тухум сариғи, 20 грамм какао, 120 грамм сариёғ, 150 грамм ванилин шакари.

Какаоли суртиладиган масаллиқ: 4 ош қошиқ сув, 120 грамм шакар упаси, 2 ош қошиқ какао, 50 грамм сариёғ.

Тухум сариғини шакар билан ишқаб кўптирилади, сўнгра ёғ, майдаланганд ғёнғоқ, какао, тўргалган лимон пўсти, қўшиб юборилади. Тухум оқини алоҳида идишда кўптириби, хамирга ун билан бирга қўшиб юборилади. Хосил бўлган хамирни ёғ суртилиб, ун сепилган торт қолипига солиниб пиширилади.

Ичига суртиладиган масаллиқ: сутда ун аралаштирилади ва унга тухум сариғи, какао солиниб бўтка хосил бўлгунча пиширилади, со-вугач ванилин шакари ва сариёғ солинади. Какаоли суртиласи: шакар сувда эртилади, унга какао, маргарин кўшилади, кўйилгунча пиширилади. Суртма тайёр бўлгандан сўнг тайёр тортнинг устига кўйиб юборилади.

Наргиза САДРИДДИНОВА
тайёрлади.

КОМАТИНГИЗ РАСО БЎЛСИН!

Ортиқча семизлик инсон организмни учун ўта нохуш вазиятларни келтириб чиқаради. Шу сабаби семириб кетмасликни истаган кишиларга қуидаги тартибларда парҳез килишни ва доимо вазнини назорат килиб боришин тавсия этимиз.

Киши семириб кетмаслиги учун арпа нон, карам, сабзи, қовоқ ҳамда сут, қатик, пишлок каби маҳсулотларни кўпроқ, мол ёғи, кўй ёғи, товук, ўрдак ва гоз ёғини камроқ истеъмол килиши керак. Бир ойда икки кун овқат емаслик ёки ўша кунлари 1,5 кг. олмани бешга бўлиб истеъмол килиш керак.

Бундан ташкири, бир ярим литр сут ёки қатикни олтига бўлиб ичиб ҳам парҳез тутига мумкин. Бир кун мобайнида 600 грамм турли хил мева шарбатлари 800 грамм наыматак шарбатига аралаштириб ичилади. Буни беш марта тақрорласа, фойда беради.

Хар куни писта, маккажӯхори ва пахта ёғидан тайёрланган овқатларни истеъмол этиш тавсия килинади. Парҳез даврида умуман гўшт, балик, аччиқ ва шур нарсалар, қовурилган, дудланган таомлар, колбасаларни емаслик керак.

Таркибида калий ва кальций кўпроқ бўлган меваларни, денгиз карами, ўрик, олхўри, кар-

тошка, сули ва гречка, сабзи, карам, лимон, петрушка ва курапонистеъмол этиш ва бир кун давомида бир ярим литр суюклик истеъмол қилиш тавсия этилади.

Бир кунда оз-оздан беш маҳал овқатланиш тавсия этилади. Бирданига кўп овқат емаслик лозим. Ётиш олдидан бир стакан қатик ёки сут ичиш ҳам фойдалади.

Бир кун мобайнида куйидаги тартибида овқатланиш ҳам фойдалидир: ёрталаб карам, сельдерей, кашнич ва ўсимлик мойидан тайёрланган салат ейиш лозим. Гречка ёки сули бўтқаси, сутли овқат, қандсиз, тузсиз тайёрланган таомлар тавсия этилади.

Тушлиқда карам шурва, ярим кунликда (олма чой) наыматак шарбатидан 200 грамм (8-10 таоматак 200 грамм қайноқ сувда дамланади), 100 грамм олма.

Кечкурун сувда пиширилган 110 грамм балиқ (тусиз), сувда пиширилган картошка, қандсиз чой.

Ётиш олдидан — қатик ёки сут, кун давомида эса 2-нав ундан тайёрланган 100 грамм миқдоридаги нон истеъмол қилинади. Мана шу тартибдаги парҳез жуда фойдалади.

(“Юз дардга юз даво” китобидан олинди.)

НЕГА ЮЗГА СЕПКИЛ ТУШАДИ?

Сепкилни ишлаб чиқаридиган ҳужайралар териининг анча чукур қаватида жойлашган бўлади. Шунинг учун терини оқартирувчи кремлар фақат вақтингчада ёрдам беради. Күёш нурлари таъсирида дог ишлаб чиқаридиган ҳужайралар янада фаол ишлайди ва сепкил янга тошиб кетади. Мана шунинг учун ҳам, аввало, юзни кўёшдан аспраш лозим. Тери ёғли ёки нормал бўлса, оқартириш учун бодринг, лимон, қатик, петрушка қайнатмасини ҳам ишлатиш мумкин.

Ўлкамизга баҳор кириб келди. Кўпчилик бундай пайтларда “баҳор офтобига келинингни, куз офтобига кизингни кўй” деган гапни эслаб қолишади. Сабаби, кўёшдан келаётган нурлар киши организмига ўта фойдали бўлиш билан бирга, тери учун зарарлидир.

Pardoz

Агар юзингизда чукур ажинлар ёки мўйлар бўлса, нурсиз упа-эликлардан фойдаланманг: улар ажин ва мўйларни янада бўрттириб кўрсатади.

Бог ёки томорқада ишлаганингиздан сўнг кўлингиз корайиб қолса, бир чой қошиқ шакар солинган совун кўпиги билан ювинг.

ТОШКЕНТДАН АФИНАГА ЙЎЛ

ГОЛИБЛАР XXI АСРНИНГ БИРИНЧИ ОЛИМПИАДАСИ САРИ ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАРНИ БОСДИ

«Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби дунёга тез машҳур қила олмайди».

И.КАРИМОВ

Ха, ўтган асрнинг сўнгги олимпиада мусобақалари ўзбегимнинг спортчиларини сергаклаштириб қўиди. Айниқса, курашчиларимизни. Улар олтин медаллар атрофида айланишиб қолганда спортчию мутахассисларимиз ва муҳлислар кўнглидан бир ўйкечди:—“Рақибни руҳан

гиламда рўбарў келиши мумкин бўлган вазндошларинг ҳам узоқ вақт унугомасин. Бу ақидага спортчиларимиз амал қилаётгани қувончли, албатта.

Аввал хабар берганимиздек, 2-4 марта кунлари пойтахтимиздаги “Юнусобод” спорт мажмуида эркин ва юононrum кураши бўйича “Мустақиллик кубоги” Гран-При туркумидаги ҳалқаро мусобақалар бўлиб ўтди.

Унда ҳамюрларимиз



олимпиадаси медали соҳиби, қозо-ғистонлик Маулен Мамуровни, Дамир Захаридинов (58 кг) белоруссиялик Александр Карлинскийни, Аслан Санакоев (85 кг) грузиялик Тамаз Земешидзени, Дилшод Орипов қирғи-ғистонлик Исломиддин Умрзоқовни, Руслан Биктаков россиялик машҳур курашчи Александр Третьяков (жароҳати туфайли гиламга чиқмагани боис)ни, Евгений Ерофайлов қозо-ғистонлик Абдулла Жаброиловни мағлуб этиб, олтин медал билан гиламни мағрур тарқ этдилар. Эркин ва юонон-рум


курашлари бўйича 63 кг вазн тоифасида қатнашган вакилларимиз Музаффар Абдураҳмонов, Баҳодир Қурбоновларга бронза медаллари насиб қилди.

Айтиш жоизки, бу йилги V ҳалқаро турнир ташкилотчи ва мутасад-



дилар учун ўзига хос тайёргарлик босқичи бўлди. Яъни гиламга асосан ёшлар туширилди, улар синовдан ўтказилди. Курашчиларимиз Мустақилликимизнинг 10 йиллиги арафасида юртимида бўладиган ёшлар ўртасидаги кураш бўйича Жаҳон чемпионати олдидан ўз имкониятларини баҳолаб олдилар.

лан ватанига қайтиди. Ўзаро суҳбатлардан маълум бўлишича, мусобақаларнинг ташкилий жиҳатлари, яратилган миший шарт-шароитлар аъло даражада уюштирилди. Айниқса, ўзбекларнинг меҳмоннавозлигини ташриф буюрганлар инсонийликнинг рамзи, оқибатнинг намойиши дея баҳолаб, дил изҳорларини яширганилар.



маҳф этиш ғалабани яқинлаштиради". Бунинг учун эса, нима қилиш лозимлигини барчамиз биламиш; катта-кичик ҳалқаро мусобақаларда кўпроқ қатнашиш керак, қатнашгандаям ҳар бир рақибга билагингни билдириб, орингни сездириб қўйиш жоиз. Токи, сени нафақат спорт ишқибозлари, балки сен билан

жами 8 та медалларни қўлга киритди. Муросасиз кечган финал беллашувларида терма жамоамиз вакиллари Дилшод Мансуров (54 кг) Сидней



—Мардлик, ҳалоллик тимсоли бўлган кураш асли ўзбекнинг амали. Шунинг учун ҳам бугун спортнинг бу турига Ўзбекистон том маънода эгалик қилмоқда. Ва юртингизга ташри-

ЭЪТИРОФ

FILA (ҳалқаро ҳаваскор курашчилар ассоциацияси) вице-президенти Рафаэл МАРТИНЕТИ:



Эркин кураш бўйича уч карра Олимпиада, етти марта жаҳон чемпиони А.МЕДВЕД:—Бу Тошкентга илк ташрифим бўлмасда, юртингиздаги ўзгаришларни кўриб биринчи марта келиб тургандекман. Хотирамга муҳраниб қолган очиқ чеҳралик, меҳмондўстлик ҳали ҳам ўзбекистонликларга хослигича қолибди. Лекин, спортга эътибор ўзгарибди. Ишонаманки, XXI аср спортида Ўзбекистон ўз ўрнига, сўзига эга бўлади. Бугун шунга замин яратилибди.

фимиз мобайнида билдикки, курашга сингиб кетган ҳалоллик, мардлик, эркинлик ва ғурур каби сифатлар айнан шу ҳалқнинг фазилатлари экан.

Уч карра Олимпиада чемпиони, Россия давлат думаси депутати, А.КАРЕЛИН:—Мустақиллик йилларида спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини Ўзбекистонда ўтаётган йирик ҳалқаро мусобақалардан, Сиднейда эришилган натижалардан билса ҳам бўлади. Демоқчиманки, бу юртда чексиз имкониятлар, қобилиятлар бор. Уларни намоён этиш салоҳияти ҳам юксалиб бормоқда. Ҳар бир спортчидаги ютуқдан қониқмаслик, янада юксакларга интилишнинг борлиги мамлакатнингиздан кўплаб чемпионлар чиқишидан далолатdir.

Ф.КАРИМОВ

Суратларни Абдулғани ЖУМА олган.




“SHE’RIYAT”

Belgilangan xonadan soat
mili yo'naliishida raqam
atrofiga:

1. Nazm bilan yozilgan voqe'band asar. 2. Yaqin va O'rta Sharq xalqlariga xos she'riyatning asosiy vazn turlaridan biri. 3. Asosiy she'riy ko'chim turi. 4. Alisher Navoiyning "Layli va Majnun" dostoni qahramoni. 5. Shoirning his-tuyg'ulari bilan birga voqealar ham ifodalangan nazmiy asar. 6. She'rnинг har bir satri, yo'li. 7. Mumtoz adabiyotga xos she'riy topishmoq. 8. Xalq og'zaki ijodi turi. 9. Mumtoz she'riyatdagi qofiyalanish tartibiga ko'ra tuzilgan she'riy shakllardan biri. 10. Maxsus tayyorgarliksiz birdan aytigan she'r, shoirlarning hozirjavoblik bilan o'tadigan aytishuvlari. 11. Hamid Olimjonning mashhur dostoni qahramoni. 12. To'rt misradan iborat, tugal ma'no ifodalovchi, birinchi, ikkinchi, to'rtinchi yoki barcha misralar qofiyadosh bo'lgan mustaqil she'r. 13. XIV asr o'zbek adabiyotining namoyandasasi, "Muhabbatnomasi" dostoni muallifi. 14. Besh mustaqil dostonidan iborat asar. 15. "Hapalak" hajviy she'reni muallifi, o'zbek mumtoz shoiri. 16. Ma'lum bir g'oyani aniq siymlarda ifodalash. 17. Muqimiy merosiga mansub lirik she'r. 18. Donishmand ijodkor Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilik" dostoni qahramoni. 19. Mumtoz she'riyatga xos ayrim baytlardan tuzilgan mustaqil asar. 20. Abulqosim Fir davsiyning "Shohnoma" dostoni qahramoni. 21. Mumtoz shoir, "Qissai Sayfulmulk" ishqisarguzasht dostonining muallifi. 22. Biror shoir she'rlarining qofiya yoki radiflariga ko'ra alifbo sirasi bilan tartib etilgan to'plam. 23. So'z o'yiniga, qofiyadosh omonimlarga asoslangan she'r. 24. Xalq dostonlarini kuylovchi shoir, oqin. 25. "Badeo ul vaqoe" ("Ajoyib voqealar") asari muallifi, mumtoz ijodkor. 26. Abdurahmon Jomiyning "Haft

(Aylanma krossvord va muammonoma — test)



avrang" ("Etti taxt") asari tarkibidagi ishqiy majoziy doston nomidan: "Salmon va ...". 27. Nazm ijodkorlari anjuman. 28. Band tarkibi murakkab bo'lgan o'n to'rt misradan tashkil topgan she'r. 29. Qo'shiq bo'lib kuyylanadigan she'rning takrorlanadigan bayti.

MUSHOIRA MUAMMONOMASI"

Avalo quyidagi mualliflarning asarlari satrlarida keltirilib, raqamlarda ifodalangan so'zlarni topib ochqichni hal eting.

G'afur G'ulomning "Vaqt" she'ridan:

1. Aziz asrimizning aziz onlari,

Aziz odamlardan so'raydi qadrin.

Fursat g'animatdir 10, 1, 23. satrlar-la

Bezamoq chog'idir umr daftarin.

Abdulla Oriponning "Vatan" she'ridan:

2. Diyorum 4, 2, 15, 21, 22, 8, 9, 6, 1, 18, 3, 16, 5 ki andin iftixorim bor,

Demakkim hur adolatlig davlati barqarorim bor.

Onamdek mehribon, munis Vatan bor, g'amgusorim bor, Vatandan ayri ko'ngilni, bilgillki yaratib bo'imas,

Baayni bandi bulbulni chamansiz sayratib bo'imas.

Usmon Nosirning "Yurak" she'ridan :

3. Yurak sensan mening sozim,

Tilimni nayga jo'r 20, 6, 3, 8, 18, 17.

Ko'zimga oyni berkitding, Yurak sensan ishqibozim.

Hamid Olimjonning "O'Ika" she'ridan:

4. Men dunyoga kelgan kundanoq

11, 7, 6, 7, 18, 8, 12 deb seni, uyg'ondim,

Odam baxti biringa senda Bo'luriga mukammal qondim.

Muhammad Yusufning "O'zingdan qo'ymasin xalqim" she'ridan:

5. Erk vodiysi — zahmatlarga siylovdir bu,

6, 1, 19 qoqilib ot bo'lguchi yaylovdır bu.

Ranj chekmasang nurli-nurli tonglar qayda,

Sinovdir bu, balki buyuk sinovdir bu.

Bosh ketsa ham qaytma endi so'zingdan-a,

O'zingdan aylanay, xalqim, o'zingdan-a..

6. Abdulhamid Sulaymon o'g'li Cho'lonning "Yangi men" she'ridan:

Menda mehnat quvnab-quvnab

12, 4, 13, 14, 8, 2, 7, 24, 7, 5 yaratadi.

Menda har kun sho'x qo'shiqlar,

Kuylar ila tong otadi.

Endi ochqich so'zlarining javoblari asosida shakl atrofidagi raqamlarni mos harflar bilan almashtirib muammonomani yeching.

Ulardan to'rt misra she'r aylanalardan yuqorida past tomon o'qish bilan ana shu misralar muallifi va uning qaysi ijodkorga atab yozilganligini bilib olasiz.

Foziljon ORIPOV tuzdi.

Gazetamizning shu yil 3-mart sonida berilgan Aylanma krossvordning javoblari

Belgilangan xonadan soat mili bo'yicha raqam atrofiga: 1. Temirova. 2. Barchinoy. 3. "Oromijon". 4. Pillakash. 5. Shohsanam. 6. "Muhabbat". 7. Tojmahal. 8. Gulchehra. 9. Yo'ichiyeva. 10. Ahmedova. 11. Sadrieva. 12. Marvardi.

Muammonoma

Ochqich: 1. Umida. 2. Bola. 3. Zot. 4. Savob. 5. Enaga. 6. Chora.

Hikmat: Ona eng birinchi muallim va ustozdir.

INSON VUJUDI— AJOYIB BIR FABRIKA

joyni egallaydi.

Chaqaloqlarda 270 dan ortiq suyak bo'ladi. Inson ulg'aygan sari ba'zi suyaklari birlashadi. To'liq bir insonda suyaklar soni 200 tadir.

Yuragimiz bir daqiqada o'rtacha 70-72 marta uradi. 70 yoshli bir insonning yuragi million marta urgan va bu muddatda 167961600000 kilo qon aylanishi sodir

bo'lgan.

Tirnoqlarimiz bir yilda 3,75 metr uzayadi.

30 kun och qolgan inson, faqat 110 soat uyqusizlikka chidaydi.

Inson vujudidagi elektr toki 25 vattlik lampochkani bir necha daqiqa yoqa oladi.

Inson bir minutda 180 metr yo'il yuradi, 150 ta so'z gapiradi.

Inson tug'ilgach, bir necha kungacha hech narsa eshitmaydi, ma'lumotni faqat ko'rish orqaligina oladi.

Bahodirxon ELIBOYEV tayyorladi.

Balki sizga g'alati tuyular, biroq ko'pchiligidan inson vujudidagi moddalar va ularning qanday hajmda ekanligini yaxshi bilmaymiz. Masalan, normal bir odamning vujudida 45 litrcha suv mavjud. Bu suv inson hayotidagi eng muhim moddalardan biridir.

Vujudimizdagagi yog' 7 ta katta sovun qilishga yetarli bo'ladi. 2200 ta gugurtga yetadigan fosforimiz, 5 sm. mixga yetadigan darajada temirimiz bor.

Vujudimizda 25 milliard oksigen tashuvchi qizil qon yumaloqlari topildi. Bularni bir qator qilib tersak 2970 m²

Ma'rifa!

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уошмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир: Халим САЙДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АХМЕДОВ, Жумана-зар БЕКНАЗАРОВ, Икром БУРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбай МАТҚУРБОНОВ, Нўймонжон РАҲИМ-ЖОНОВ, Йўлдош САИДЖОНОВ, Абдусламат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар Тўйманова, Сайдулла ҲАҚИМОВ, Утқир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашириёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-йд

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллиflari mas'ulidirlar. Fойдаланилмаган мақолалarga жавоб қайтиyalil-maidi. «Ma'rifa!»dan материялларни кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амала оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчilar k'uchasi, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари таҳририятда терилди IBM компютерида

Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШЕВА саҳифалади.

Навбатни муҳаррир: Аҳмад ОТАБОЕВ, Навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

Tadbir

Kecha do'stlarim bilan ko'chada ko'rishib qoldik. Men, Furqat, Jamol, Nodir. Anchadan beri ko'rish-maganimizga suhbatimiz jonlanib ketdi. Gap' orasida Furqatning hali ishqibozim. Furqatning aytishicha, bugun o'zimiz o'qigan maktabda mahalla ahli, hokimiyat va mehnat birjasiga xodimlari bilan uchrashuv bo'lar ekan. Unga shu uchrashuvga albatta borishini onasi qattiq turlanib. Furqatning iymani, bizga aytu olmayotganligi ko'zidan shundoqqina bilinib turardi. Biz uni uchrashuvga borishga qistadik va biz ham birga borishimizni aytilib, yo'liga tushdik.

Maktab tomon ketayotibmizu, o'sha o'zimiz uchun jonasjon ko'prigimiz, yarmi sindirib ketilgan o'rik daraxti yonidan o'tarkanmiz, bolaligimiz yodga tushdi. Maktab xovlisida mashinalar ko'p edi. Biz ham maktabimiz zalgila kirdik. Kirgan zamonimiz hayolimdan o'quvchilik davrim, tinib-tinchimas ustozlarim, eng yuqori qavatdagilisinf xonamiz ko'z oldimdan o'tdi, sog'inch yoshlar yuragimdan hapqirib chiqqanday bo'ldi.

Qadron maktabimiz o'sha-o'sha, sondagina, ozoda, barcha devorlar yangi alifbdagi ko'rsatmalar bilan bezatilgan. Hamma yig'ilgandan so'ng tadbir boshlandi. Uchrashuvga Sirg'ali tuman hokimligi vakillari, mahalla raislari va tuman mehnat birjasiga xodimlari kelishdi. Ular navbatma-navbat so'z olib, hozirgi

MENING MAKTABIM

kundagi eng asosiy vazifalar: yoshlar muammolari, ularni kasbga yo'naltirish mavzusida fikr bildirishdi. Uchrashuvda maktab huquqshunoslik fani o'qituvchisi Umida Xaydarovaning «Biz Qomusimizni bilamizmi?» ma'ruzasi hammaga ma'kul bo'ldi.

Ma'ruba tugagandan so'ng do'stim Furqat mehnat birjasiga xodimlari bilan suhbatlashib, ertaga kopyuterlar kursiga o'qishga borishini kelishib oldi. Men uchrashuvga kelgan ustozlarim bilan suhbatlashdim. Maktabimiz o'qituvchilarini yangi dasturlar bilan ishlayotganligini, baholashda reyting usuli haqida so'zlab berishdi.

Men ushbu maktabning o'n birinchi bitiruvchisini. Biz bilan birga bitirganlarining sakson foizi oliy o'quv yurtlariga kirib o'qishmoqda. Ustozlarim bilan fikr ulasharkanman, men ushbu maktabda tahsil olganimdan yana bir bor faxrlandim.

Men uya juda yaxshi kayfiyat bilan qaytdim va bu mening 301-maktabim, degim keldi.

Sanjar MUXSIMOV

Тошкент шаҳар ҳокимилиги томонидан Ахунов Акрам Акмалович номига берилган 0112259 рақамили хусусий тадбиркор гувоҳномаси йўқолгандиги сабабли БЕКОР КИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим va-zirligining ўрта маҳсус, касб-hunar taъlimi marказi жамоаси Касб-hunar kollejlari бош-кармаси бошлиғининг ўринbosari Ж.Шосалимовга падари бузруквири

ШОСИДДИК ОТАНИНГ вафоти муносабати bilan чукур таъзия изхор этади.

«Ма'рифат» газетаси таҳрири жамоаси газета ходимаси Санобар Ҳакимовага онаси

МУБОРАК аянинг вафоти муносабати bilan ҳамдардлик билдириб, таъзия изхор қилади.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июн 1998 йил рўйхатта олинган.

ИНДЕКС: 149, 150.

Г-2217. Тиражи 38.105.

Г. 1 2 3 4 5 6

Ҳажми 4 босма табоб.

Офсет усулида босилган, қозоз бичими